

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЗАФФАР МАМАТҚУЛОВ

**МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
(ўқув-услубий мажмуа)**

Тўлдирилган иккинчи нашри

Гулистон - 2018

М.МАМАТҚУЛОВ. «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти»
фанидан ўқув қўлланма. Гулистон-2018. 92 бет.

Мазкур ўқув қўлланма 5120100 - ўзбек филологияси таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган бўлиб, унда 19-асрнинг иккинчи ярмидан 20-асрнинг 20-йилларигача бўлган ўзбек адабиётининг тараққиётига доир маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ундан ишчи дастур, рейтинг ишланмаси, аудиторияда ўтиладиган ўқув машғулотлари (маъруза, семинар ва амалий машғулотлар), мустақил равишда ўрганишга тавсия қилинган мавзулар, улардаги кўриб чиқилиши лозим бўлган саволлар ва бажариш юзасидан методик тавсиялар ўрин олган бўлиб, тегишли адабиётлар рўйхатлари ҳам мавжуд.

Гулистон давлат университети Ўқув-методик кенгаши
(_____2017, __-баённома) томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Умурзоқ Ўлжабоев,
филология фанлари номзоди,
доцент

Такризчилар:

Анқабой Қулжонов,
филология фанлари доктори,
профессор

Қобил Кўбаев,
филология фанлари номзоди,
доцент

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	4
Фаннинг ишчи дастури	6
Рейтинг баллар	9
Баҳолаш мезонлари	10
Фан бўйича таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари.....	11
Курс бўйича маърузалар	14
Амалий машғулотлар	65
Семинар машғулотлари	70
Талабалар мустақил ишлари	75
Тест саволлари	81
Умумий хулосалар	87
Ечимини кутаётган муаммолар	88
Адабиётлар кўрсаткичи	89
Қўшимча адабиётлар кўрсаткичи	89
Глоссарий	90

КИРИШ

«Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» фани олий ўқув юртлари Ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини олувчилар учун мўлжалланган.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти 19-асрнинг иккинчи ярмидан 20-асрнинг 30-йиллари охиригача бўлган даврдаги бадиий ижод намуналарини ўрганади.

Мустақилликкача Ўзбек адабиёти анъанавий икки қисмга ажратиб ўрганилган. Истиқлол туфайли тарихимизни ҳаққоний баҳолаш имконини сабаб ўзбек жаҳид адабиётини яхлит ва изчил ўрганишга кенг йўл очилди. Кўп асрлик адабиётимизнинг қонуний меросхўри бўлган, мустамлакачиликнинг миллат ва ватан учун ҳалокатли оқибатини теран англаб етган, моҳиятан янги адабиётнинг бутун руҳи ва мазмунини миллий уйғониш ташкил қилди. Шу жиҳатдан жаҳидчилик Туркистондаги миллий уйғонишнинг «қалби» бўлса, жаҳид адабиёти унинг бадиий кўзгусидир. Бу адабиёт биргина ғоявий-эстетик жиҳатдан эмас, бадиий-эстетик жиҳатдан ҳам кейинги адабиётимизнинг энг порлоқ саҳифаси эди. Айти пайтда у жуда кўп жиҳатлари билан ҳозирги ўзбек адабиётининг сарчашмаси сифатида ҳам қадрлидир.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг шаклланиши, тараққиёт тарихи, мумтоз ва қардош қўшни халқлар адабиётидан озиқа олиши, янги мавзулар, жанрлар, қаҳрамонлар, бадиий тасвир воситалари, поэтик образлар ва ниҳоят янги бадиий тафаккурнинг инкишофи бугунги миллий мафкура асносида таҳлил қилинади.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг айрим буюк вакиллари ҳаёти ва жаҳидчилик мақоми, мафкураси ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган асарларини бадиий-эстетик таҳлил қилиш назарда тутилади.

Дастур олти қисмдан: кириш, маъруза мавзулари, амалий машғулотлар мазмуни, семинар машғулотлари, талабалар мустақил бажарадиган иш топшириқлари ва ниҳоят информацион-методик таъминотлардан иборат.

Маъруза замонавий педагогик технологиялар талабларига мос равишда ишланиб, унда мавзуга оид муаммолар, ўқув (дарсинг) мақсадлари, назорат саволлари, мустақил иш топшириқлари келтирилган. Маъруза мавзуларини тайёрлашда таълимнинг илмийлиги ёки таомилга кирган илм орқали билим эгаллаш тамойили ҳамда интернетдан олинган материаллардан кенг истифода этилди. Ҳар бир маъруза мавзусидан сўнг адабиётлар рўйхати ва назорат саволлари берилган бўлиб, талабалар кўрсатилган адабиётлардан ўзларини қизиқтирадиган саволларга жавоб олиши мумкин. Назорат саволлари

асосида у ёки бу масалада баҳс юритиш, ўзининг билим савиясини ўзи синовдан ўтказиш имкони яратилади.

Амалий машғулотларни ўтказиш тартиблари, ундан кутиладиган ўқув мақсадлари, керакли жиҳозлар, материаллар, ишни бажариш услубияти кенг берилган.

Мажмуа сўнгида якуний хулосалар, фанда ечимини кутаётган асосий илмий муаммолар, информацион-методик таъминотлар келтирилган.

Муаллиф мажмуа ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирган шахсларга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Манзилимиз: 707012. Гулистон ш.
4-мавзе, университет,
Адабиётшунослик кафедраси

1. ФАННИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Фаннинг мақсади: «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» фани адабиётимиз тарихида ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги, унинг мустақил фан сифатидаги шаклланиш босқичлари, бу фаннинг ўқувчилар маънавиятини шакллантиришдаги аҳамияти, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асносида талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш.

1.2. Фаннинг вазифалари: Мазкур фанни таълимнинг замонавий талаблари даражасида ўрганиш, талабаларни «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти»нинг ўзига хос томонлари билан таништириш орқали уларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини ўстириш.

II. ФАННИНГ МАЗМУНИ

2.1. Маъруза мавзулари, кўриларидиган масалалар ва вақт.

№	Маъруза мавзулари	Кўриладиган масалалар	Вақт
1	19-асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт	19-аср ўрталарида Марказий Осиёдаги тарихий–сиёсий шароит. Россия истилоси. Забт этилган ўлкани ҳар жихатдан ўрганиш киришиш. Матбуотнинг йўлга қўйилиши. Босмахоналарнинг очилиши. Янги ўзбек ҳажвчилигининг майдонга келиши. Адабий жанр тараққиёти. Таржимачилик.	2
2.	Комил Хоразмий	Оила, эски мактаб, мадраса таҳсили. Шоирнинг ижодий мероси. Комил – лирик шоир. Комил – ҳажвчи. Комил - бастакор ва мусикашунос. Комил – таржимон.	2
3.	Муқимий	Муқимий ҳаёти ва фаолияти. Адабий мероси. Муқимий – лирик шоир. Ҳажвиёти. Мутойибалари. Саёҳатномалари. Шоир ижодида мактуб жанри. Шоир ижодининг адабиётимиз тарихида тугган ўрни.	2
4.	Фурқат	Таржимаи холи. Ижодий мероси. Лирикасининг мавзулар олами. Янгича маърифатпарварлик мавзуидаги ижод намуналари. Публицистикаси. Шеърӣ ва насрий мактублари.	2

5.	Завкий	Ҳаёти ва ижоди. Закий – лирик шоир. Завкий ижодида сиёсий лирика. Ҳажвиёти ва мутойибалари. Достон ва саёҳатномалари.	2
6.	Анбар отин	Таржимаи ҳоли. Шеърятӣ. Шоира ижодида ижтимоӣ–сиёсий мавзу. Анбар отин – маърифатпарвар шоира. «қоралар фалсафаси» асари.	2
7.	20-аср бошларида Туркистонда ижтимоӣ – сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт.	Рус мустамлака сиёсатининг кучайиши. Халқ озодлик ҳаракатлари. Туркистонда жаидчилиكنинг ривожланиш босқичлари. Туркистон миллий матбуотининг юзага келиши. Янги миллий театр. Жаидчилик даври адабиётининг ўзига хос хусусиятлари.	2
8.	Беҳбудий	Таржимаи ҳоли. Педагогик фаолияти. Беҳбудий ва Туркистон миллий матбуоти. Беҳбудий - биринчи ўзбек драматурги. Публицистикаси.	2
9.	Абдулла Авлоний	Ҳаёти ва фаолияти. Ижодий мероси. Шеърятӣ. Педагогик фаолияти. Авлоний драматургияси. Публицистикаси.	2
10.	Сидқий Хондайлиқӣ	Ҳаёти ва ижодий фаолияти. Шеърятӣ. «Русия инқилоби» достони. Таълимий-ахлоқӣ ҳикоялари. Шеърӣ-воқеӣ ҳикоялари. Сидқий Хондайлиқӣ - таржимон.	2
11.	Аваз Ўтар ўғли	Таржимаи ҳоли. Шеърятӣ. Аваз Ўтар-рубойинавис. китъалари. Шоир ижодида эркпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларининг куйланиши.	2

2.2.Амалий машғулотлар мавзулари, бажариладиган иш мазмуни ва вақти

№	МАВЗУ	Кўриладиган масалалар	вақт
1.	Муҳаммад Юсуф Баёний ижоди	1. Ҳаёти ва фаолияти 2. Лирикаси 3. Тарихий асарлари	2
2.	Исҳоқхон Иброт ижоди	1. Ҳаёти ва фаолияти 2. Лирикаси	2

		3. Ибрат – тилшунос	
3.	Комил лирикаси	1.Таржимаи ҳоли 2. Лирик мероси 3. Ҳажвиёти	2
4.	Муқимий лирикаси	1. Адабий мероси 2. Лирикаси 3. Ғазалиёти 4. Ҳажвиёти 5. Юморлари	2
5.	Фурқат лирикаси	1. Ижодий мероси 2. Лирикаси 3. Достонлари	2
6.	Завқий лирикаси	1. Таржимаи ҳоли 2. Лирикаси 3. Ҳажвий лирикаси	2
7.	Анбар отин лирикаси	1. Лирик мероси 2. Ҳажвий шеърлари таҳлили 3. «Қоралар фалсафаси» асари	2
8.	Муҳаммадшариф Сўфизода ижоди	1. Таржимаи ҳоли 2. Адабий мероси 3. Шоир ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрни	2

2.3. Семинар машғулотлари мавзулари, бажариладиган иш мазмуни ва вақти

1.	Муҳаммад Раҳимхон Феруз ижоди	1. Лирикаси 2. Ғазаллари таҳлили	2
2.	Каримбек Камий лирикаси	1. Таржимаи ҳоли 2. Лирикаси 3. Ҳажвиёти	2
3	Жадидчилик ҳаракати тарихи	1.Жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши 2.Исмоил Гаспиринский фаолияти 3. Русия ва Туркияда жадидчилик	2
4.	Туркистонда жадидчилик ҳаракати	1.Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши 2.Жадид мактаблари фаолияти 3.Жадид матбуоти	2
5.	Бехбудий	1.Бехбудийнинг публицистик мероси	2

	публицистикаси	2.Беҳбудий публицистикасининг бугунги кундаги аҳамияти	
6.	Авлонийнинг адабий мероси	1. Абдулла Авлоний – шоир 2. Абдулла Авлоний – драматург 3. Авлоний – публицист	2
7.	Сидқий Хондайлиқий лирикаси	1.Таржимаи ҳоли 2.Лирикаси 3. Насрий асарлари	2
8.	Аваз Ўтар ўғли лирикаси	1. Таржимаи ҳоли 2. Лирикаси 3. Шоир ижодида «Фалоний» туркуми	2

IV. “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” фанидан рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари.

4.1.Рейтинг ишланмаси

№	Назорат турлари	Сўров коли	Сўров сони	Балл	Жами
1	Амалий машғулоти	А	10	2	20
3	Мустақил равишда ўрганиладиган мавзулар	М. ў.	10	1	10
4.	Назорат саволларини бажариш	Н.с.	7	1	7
5.	Семинар	С	9	2	18
6.	Оралиқ баҳолаш	ОБ	2	15	30
7.	Якуний баҳолаш (ёзма иш)	ЯБ	1	15	15
Жами		—		—	100

Баҳолаш мезони:

1. Ҳар бир амалий машғулоти 2 баллда баҳоланади. Амалий машғулотларини тўла бажарган, ишланмаларнинг тўғри ечимини топган талабага ишнинг сифатига қараб 1,5 — 2 балл, машғулотларини тўла бажарган, ишланмаларини тўғри ечган, аммо айрим камчиликларга йўл қўйган бўлса 1 — 1,5 балл, ечимларида 2 — 3 та камчиликлари бўлса 0,5 — 1 балл қўйилади.

2. Талабаларга мустақил равишда ўрганишга тавсия қилинган 10 та мавзунинг ҳар бири 1 баллик тизимда баҳоланади.

- Мавзу тўлиқ ўрганилган, саволларга тўғри жавоблар берилган, таянч тушунча ва иборалар ёритилган, мавзу танқидий таҳлил қилинган бўлса 0,8 — 1 балл берилади.

- Мавзу тўлиқ очилган, саволлар ёритилган, таянч тушунча ва ибораларни изоҳлашда камчиликлари бўлса 0,5 — 0,8 балл қўйилади.

- Мавзу очилган, саволлар умумий ёритилган, айрим камчиликлари бўлса 2,6 — 3 балл билан баҳоланади.

3. Талабалар сессия оралиғида тегишли вариантлардаги 10 тадан назорат саволларига жавоб ёзиб келадилар. Ҳар бир савол ҳажми ва сифатига қараб 0,6 — 1 балл оралиғида баҳоланади.

4. Ҳар бир талаба семинар машғулоти мавзулари бўйича 2 баллда баҳоланади.

5. ОБ да назорат иши ёзилади ва талаба 5 та саволга жавоб ёзади. Ҳар бир савол 3 баллда баҳоланади.

6. ЯБ ёзма ҳолда ўтказилиб, 5 тадан савол берилади. Жавоблар сифати ва ҳажмига қараб 1 — 3 баллик тизимда баҳоланади.

Тўпланган баллар қуйидагича баҳоланади:

Қониқарли	55 — 70 балл
Яхши	71 — 85 балл
Аъло	86-100 балл

Саралаш бали 55

ФАН БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. Фанни ўқитишнинг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қуйидагилардан иборат.

Фаннинг мақсади. Ўзбек филологияси таълими бакалаврият йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида бутун Туркистон ўлкасида қудратли фикрий уйғонишга тамал тош қўйган миллий уйғониш даври адабиёти ҳақида билим ва тушунча бериш. Талаба-ёшларда билим, кўникма ва малакалар тизимини таркиб топтириш ва шакллантириш.

Фанни ўқитишнинг вазифалари. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг шаклланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, йирик сиймолар – Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Бехбудий, Абдулла Авлоний кабиларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиришдир.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукаммал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини

жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология воситалари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзунинг мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технология воситалари кенг кўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тесқари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

Бошқариш усуллари ва тартиби: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулоотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режа асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади. Баҳоларнинг ҳаққоний бўлишига, ошқоралигига алоҳида эътибор қаратилади.

**Мавзу: XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда
ижтимоий–сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт**

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарснинг мақсади: Россиянинг Туркистонга босқинчилик сиёсати, шунингдек, истилодан кейинги ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ўзгаришлар ҳақида тушунча бериш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1. Россиянинг Туркистон ўлкасига бўлган босқинчилик сиёсати ҳақида гапиради.</p> <p>2. XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Хивадаги адабий ҳаёт тўғрисида маълумот беради.</p> <p>3. Ўзбек адабиётида янги ўзбек ҳажвчилиги ва янги жанрларнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққий этишига баҳо беради.</p>	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: Россиянинг босқинчилик сиёсати, Қўқон хонлигининг тугатилиши, халқ озодлик ҳаракатлари, матбуотнинг йўлга қўйилиши, босмаҳоналарнинг очилиши, янги ўзбек ҳажвчилиги, янги жанрларнинг кашф этилиши ва тараққиёти.</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Метод ва усуллари: ақлий ҳужум, баҳс, БхБхБ.</p> <p>Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланма.</p>	Ўқитувчи	
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш: XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Хивадаги адабий ҳаёт мисолида:</p> <p>1. Янги ўзбек ҳажвчилигининг майдонга келиш сабаблари ўрганилади;</p> <p>2. Янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти таҳлил қилинади.</p>	Талаба	
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <p>1. Россия Туркистон ўлкасини нима учун ҳар жихатдан ўрганишга киришди?</p> <p>2. Биринчи ўзбек матбуоти ҳақидаги мулоҳазаларингиз нималардан иборат?</p> <p>3. XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърляти ўзидан олдинги даврлар шеърлятидан нимаси билан фарқ қилади?</p> <p>4. Мазкур давр ўзбек шеърляти мавзу доирасининг кенгайиши сабабларини тушунтиринг.</p> <p>5. Бу давр ўзбек адабиётида қайси янги жанрлар шаклланди?</p>	Ўқитувчи-Талаба	

5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш: Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тегишли топшириқлар айтилади, уйиши берилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	
----------	--	----------	--

Режа:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда ижтимоий–сиёсий ва маданий ҳаёт
2. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда адабий ҳаёт

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Россиянинг босқинчилик сиёсати, Қўқон хонлигининг тугатилиши, халқ озодлик ҳаракатлари, матбуотнинг йўлга қўйилиши, босмаҳоналарнинг очилиши, янги ўзбек ҳажвчилиги, янги жанрларнинг кашф этилиши ва тараққиёти.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистон маданий ва адабий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Нима сабабли айнан бошқа даврларда эмас, айнан мазкур даврда бу ҳодисалар амалга ошди, деб ўйлайсиз?
2. XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистон адабий муҳитида янги ҳажвчиликнинг майдонга келиши, мавзулар оламининг кенгайиши, айрим янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва такомили кузатилади. Бунинг сабаби нималарда кўринади, дейиш мумкин?

1– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Россиянинг Туркистонга босқинчилик сиёсати, шунингдек, истилодан кейинги ўлкадаги ижтимоий–сиёсий ва маданий ўзгаришлар ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Россиянинг Туркистон ўлкасига бўлган босқинчилик сиёсати ҳақида гапиради.
- 1.2. Халқ озодлик ҳаракатларининг юзага келиши сабаблари ҳамда уларнинг мақсадларини тушунтиради.
- 1.3. Руслар томонидан Туркистонни ҳар жиҳатдан ўрганишга киришишнинг сабабларини изоҳлайди.

1 – асосий масаланинг баёни:

Ўрта Осиёнинг чор ҳукумати томонидан истило қилиниши бир ҳамла билан амалга оширилган қисқа муддатли ҳарбий-сиёсий ҳаракат бўлмай, қарийб чорак асрни ўз ичига олган ва халқ ҳаётида маълум из қолдирган мураккаб тарихий ҳодисадир. Маълумки, Қўқон хонлигининг ғарбий чегараларидаги мудофаа истехкоми ҳисобланган Оқмачит қалъасининг 1853 йилда босиб олиниши билан бошланган чор ҳукуматининг истилочилик ҳаракати, асосан орадан 22-23 йиллар

вақт ўтганидан сўнг, 1876 йилда бу хонлиkning маркази бўлган Қўқон шаҳрининг таслим бўлиши билан якунланди.

Россия Туркистонни босиб олар экан, унга хом ашё манбаи сифатида қаради ва босиб олган ерларда мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Чор мустамлакачилари ўлкада ҳарбий идора усулини – генерал губернаторликни ўрнатдилар. Чоризм сиёсати маҳаллий халқни қолоқлик, нодонликда сақлаб туришга Осиёни ўз саноати ва қишлоқ хўжалигининг маҳсулоти бозорига айлантиришга, моддий бойликларга сероб ўлкадан арзон хом ашё ва ишчи кучи манбаи сифатида фойдаланишга уринар эди.

Чоризм маҳаллий халқларга паст назар билан қарар, уларни камситар, меҳнаткашлар онгини заҳарлаб қоронғуликдан сақлашга ҳаракат қилар эди.

Ўрта Осиёнинг Россия томондан босиб олиниши натижасида маҳаллий халқ ҳаёти янада мушкуллашди, капиталистлар, судхўрлар томонидан аёвсиз талон–тарожга, ҳақорату камситишларга маҳкум этилди.

Чор Россияси ўлкани асосий пахта базасига айлантирган бўлса ҳам, ҳосил етиштириш учун ҳеч қандай ёрдам бермас, қишлоқларни сув билан таъминлашга эътибор бермас эди. Халқ бошидаги қайғу–аламдан, мусибатдан ҳам мустамлакачилар, судхўрлар унумли фойдаланар эдилар. Улар чорасиз қолган меҳнаткаш халқни қарз ботқоғига ботирар, шу қарз эвазига уларни боқиб турган бир парча ерларини ҳам тортиб олар эдилар.

Қўхна маданиятга эга бўлган ўзбек халқида ёзма адабиёт анча қадимги замонлардаёқ мавжуд бўлган бўлса–да, китоб нашр этиш усули – матбаачилик ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди.

Туркистонда биринчи типография 1868 йилда Тошкентда ташкил топди. 1871 йилда китоб шаклида нашр этилган «1871 йил календари» бу типографиянинг биринчи маҳсули эди. 1877 йилда Тошкентда С.И.Лахтиннинг хусусий типографияси ҳам майдонга келди.

Хива хонлиги ҳудудида биринчи марта 1874 йилда Хива шаҳрида литография ташкил этилди. Уларда 1880 йилда босилган биринчи китоб А.Навоийнинг «Хамса»си эди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда матбаачилик ишлари анча ривожланди. Жумладан, 1888 йилда Тошкентда Порцов типографияси, 1894 йида Самарқандда Полторанова матбааси, 1901 йилда Бухорода Барановский литографияси, 1904 йилда Андижонда Калачев литографияси, 1904 йилда қўқонда Минаков литографияси ва бошқалар майдонга келди. Бу даврда маҳаллий халқ ўртасидан ғулом Ҳасан Орифжонов (Тошкент), Исоқхон Жунайдуллаев Иброт (Тўрақўрғон) каби матбаачилар етишиб чиқиб, халқ орасига кўплаб китоб тарқата бошладилар.

Бу даврда мактаб–маориф соҳасида ҳам бир қатор ўзгариш рўй берди. Ўлкада мавжуд бўлган мактаб, мадраса ва корхоналар қаторида XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб рус–тузем мактаблари очила бошлади. Рус–тузем мактабларида диний таълимдан ташқари рус тили ва дунёвий илмлар ҳам ўқитилар эди. Бу манбалар учун тузилган дарсликларда табиат ва жамият ҳаётига доир маълумотлар билан бирга машҳур рус классиклари асарларидан намуналар ҳам берилар эди.

Яна бу даврда маҳаллий халқ вакиллари томонидан янги усулдаги мактаблар очилиб, Саидрасул Саидазизов, А. Авлоний, Абдуқодир Шакурий, Рустамбек Юсуфбек, Ҳамза каби кўплаб педагоглар етишиб чиқа бошлади.

Маҳаллий халқ ҳаётидаги ўзгаришлардан яна бири турли-туман илмий муассаса ва жамиятларнинг очилиши бўлди. 1870 йилда Тошкентда халқ

кутубхонаси таъсис этилди. XIX асрнинг 80-90 йилларида бир неча марталаб (1885, 1886, 1890 йилларда) кўргазмалар очилиб, уларда саноат ва қишлоқ хўжалиги янгиликлари намойиш қилинди.

1895 йилда Тошкентда вужудга келган “Археология ҳаваскорларнинг Туркистон тўғараги” 1897 йилда ташкил топган “Рус географик жамиятининг Туркистон бўлими”, 1896 йилда Самарқандда ташкил қилинган “Тарихий музей” ва бошқаларни Туркистон маданий ҳаётида сезиларли из қолдирган илмий муассасалар сифатида кўрсатиш мумкин. Лекин шуни унутмаслик лозимки, бу илмий муассасалар асосан чор ҳукуматининг мақсад ва интилишларига хизмат қилдириш ниятида тузилган эди. Ўлкани тўла эгалламоқ ва уни идора қилмоқ учун уни билиш зурур эди. Шунинг учун ҳам чоризм Туркистон тарихи, иқтисоди, географияси юзасидан айрим тадқиқотлар олиб бориш ишларини уюштиришга мажбур бўлди.

Туркистонда санъат соҳасида ҳам сезиларли силжишлар рўй берди, Европа замонавий санъатининг қатор турлари (масалан, театр, музика, тасвирий санъат ва бошқа) намойиш этила бошлади.

Тошкентда театр саҳнасида рус ва Европа муаллифларининг кўплаб саҳна асарлари ўйналди. Булардан ташқари, Россия марказий шаҳарларидан театр жамоалари бир неча бор гастролларга келиб, ўз санъатларини намойиш этдилар.

1884 ва 1898 йилларда ташкил этилган музика жамияти ва “Лира” номли тўғараги таркибида симфоник оркестр ва камер ансамбллар мавжуд эди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. XIX аср ўрталарида Марказий Осиёдаги тарихий–сиёсий шароит ҳақида нималар биласиз?
- 1.2. Россия Туркистон ўлкасини нима учун ҳар жиҳатдан ўрганишга киришди?
- 1.3. Биринчи ўзбек матбуоти ҳақида мулоҳазаларингиз нималардан иборат?

2– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистондаги адабий ҳаётни таҳлил қилиш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. XIX асрнинг иккинчи ярмида қўқон, Тошкент, Бухоро ва Хивадаги адабий ҳаёт тўғрисида маълумот беради.
- 1.2. Янги ўзбек ҳажвчилигининг майдонга келишини изоҳлайди.
- 1.3. Ўзбек адабиётида янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишига баҳо беради.

2– асосий масаланинг баёни:

Туркистон адабий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришларни кузатиш мумкин. Ижодкорлар ҳаёт ва жамият воқеа-ҳодисаларига яқинлашдилар, уларнинг ҳар бири замонанинг муҳим масалаларини қамраб олишга ҳамда ёритишга интилдилар. Ижодкорларнинг ўзаро ижодий ва дўстона ҳамкорлиги кучайди. 80-йилларда қўқонда мунтазам ҳаракат этувчи адабий анжуман ташкил топган. Завқий, Фурқат, Нисбат каби шоирлар Муқимий бошчилик қилган бу адабий йиғиннинг фаол иштирокчилари бўлган. Адабий суҳбатлар, навоийхонлик, бедилхонлик, ижодий

баҳс ва мушоиралар йиғин қатнашчиларининг ғоявий–бадний камолотига катта таъсир кўрсатган.

1870 йилдан бошлаб ўзбек тилида «Туркистон вилоятининг газети» чиқа бошлади. Тўғри, чор генерал–губернаторлигининг расмий органи бўлган бу газета рус буржуазияси мафкурасини тарғиб этган бўлса–да, шунга қарамасдан объектив равишда ўлка адабий ва маданий ҳаётида ҳам маълум ижобий роль ўйнади. Газета саҳифаларида ўтмиш адабиётимиз намояндалари меросидан, шунингдек, халқ оғзаки ижодидан намуналар эълон қилинди. Газета бевосита замонавий адабиётга ҳам сезиларли ўрин ажратди.

Бу даврда бошқа қардош адабиётлар билан муносабат ривожланди. Таржима соҳасида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Таржимачиликда Фурқат, Комил, Баёний, Шавкат, Алмаий каби йирик ижодкорлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. XIX аср иккинчи ярми ўзбек шеърляти ўзидан олдинги даврлар шеърлятидан нимаси билан фарқ қилади?
- 2.2. Мазкур давр ўзбек шеърляти мавзу доирасининг кегайиши сабабларини тушунтиринг.
- 2.3. Бу давр ўзбек адабиётида қайси янги жанрлар шаклланди?

Мавзу: Комил Хоразмий

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Комил Хоразмийнинг ижодий мероси, лирикаси, шеърларида улуғланган фазилатлар ҳақида тушунча бериш</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Комилнинг ижодий мероси ҳақида сўзлайди. 2. Шоирнинг лирик шеърларини таҳлил қилади. 3. Комилнинг ҳажвий шеърларига баҳо беради. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар:</p> <p>Эски мактаб ва мадраса таҳлили, Комилнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, лирикасида анъанавий мавзу, ижодида ҳажвий йўналиш, бастакорлик ва мусикашунослик фаолияти.</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий ҳужум.</p> <p>Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.</p>	Ўқитувчи	
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <p>Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.</p>	Талаба	

	Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади		
4-босқич	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар: 1. Комил ва Матмурод ўртасидаги ўзаро муносабатни қандай изоҳлайсиз? 2. Комил ва Муҳаммад Раҳимхон II муносабатига қандай баҳо бериш мумкин? 3. Комил ижодида ҳажвиёт қандай ўрин тутади? 4. Комилнинг бастакорлик ва мусиқашунослик фаолиятига муносабатингиз. Темурийлар даври адабиёти қайси жиҳатларига кўра алоҳида ажралиб туради? 5. Комилнинг таржимонлик фаолияти ҳақида гапиринг.	Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқарилади. Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. Комилнинг таржимаи ҳоли
2. Комил лирикаси

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Эски мактаб ва мадраса таҳсили, Комилнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, шеърларида муҳаббат мавзуси, ижодида ҳажвий йўналиш, бастакорлик ва мусиқашунослик фаолияти, таржималари.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Нима учун Комил Хоразмий шахсияти ва фаолиятига алоқадор турли бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрлар учрайди? Бунга муносабатингиз қандай?
2. Маълумки, Комил шеърляти Хива адабий муҳитида ўзига хос ўринга эга. Шоир адабий меросини бугунги кунда қанақа янгича йўналишларда ўрганиш мумкин?

1 – асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Комилнинг оиласи, эски мактаб ва мадрасадаги таҳсили, шунингдек, давлат арбоби сифатидаги фаолияти тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Комил вояга етган оила, шунингдек, эски мактаб ва мадрасадаги таҳсили тўғрисидаги сўзлайди.
- 1.2. Комилнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига баҳо беради.

1.3. Комил ва Матмурод, Комил ва Феруз ўртасидаги муносабатларни изоҳлайди.

1- асосий масаланинг баёни:

Комил 1825 йили Хива шаҳрида туғилди. Унинг отаси Абдулла Охунд Хива мадрасаларининг бирида мударрислик қилар эди. Бўлажак шоирнинг ота-онаси Паҳлавон Маҳмудга бўлган юксак эътиқодлари юзасидан Комилни «Паҳлавон» лақаби билан атар эди, унинг асл исми Муҳаммадниёз бўлиб, мусиқага оид адабиётларда бу исм Ниёзмуҳаммад, Огаҳий асарида Полвонниёз шаклида замондошлари томонидан «Матниёз» деб ҳам аталган. «Комил» эса унинг адабий тахаллусидир.

Комил ўқимишли оилада тарбия топиб, мактабни битиргач, Хива мадрасаларининг бирида таълим ола бошлади. Лекин отасидан бевақт жудо бўлгач, Муҳаммадниёз мадрасадаги ўқишни тўхтатиб, савдогар бобоси Хўжаш Маҳрам хизматига киради. Оила тирикчилигини йўлга қўйгач, яна ўқишни давом эттиради.

Комилнинг қачон шеър ёза бошлагани номаълум. Унинг 25-30 ёшларида Хоразмда таниқли шоир ҳисоблангани маълум.

Комил мадрасада ўқишдан ташқари шеър ёзиш, хаттотлик санъатини эгаллаш қаторида миллий мусиқа асбобларини чалишни ҳам жиддий ўрганган.

Комил Хоразмий дастлаб 1856-1865 йилларда ҳукмронлик қилган Хива хони Саид Муҳаммадхон замонида саройда хаттот вазифасида ишлади. Сўнгра, 1865 йилда тахтга ўтирган Муҳаммад Раҳимхон II замонида эса мирзобошилик вазифасини бажаришга киришди. 1873 йилларда чоризмнинг Хива хонлигига қилган ҳарбий юриши даврида ҳам Комил мирзобошчилик вазифасини бажарар эди.

Хива босиб олингач, чор ҳукумати ва Муҳаммад Раҳимхон II хонлиқнинг Гандимиён боғида сулҳ тузадилар. 1873 йил 29 май бу тарихий сулҳ матни Комил томонидан ёзилди ва «Гандимиён сулҳи» номини олади. Шундан сўнг хон уни девонбеги вазифасига тайинлайди. Собиқ девонбеги Матмурод эса қозоғистоннинг ғазали деган жойига, сўнг Калуга губерниясига сургун қилинади. Комил девонбеги экани вақтида Хоразм маданий ҳаётида катта ўзгаришларни амалга оширди. 1873 йили тош босма йўли билан китоб нашр этиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга китобларни қўлда кўчириш ишлари ҳам давом эттирилди. У кейинчалик машҳур бўлган Муҳаммад Панох, Муҳаммад Шариф Тарро, Худойберган Меҳрикон, Матёқуб Ҳаррот ва ўз ўғли Муҳаммад Расул каби хаттотларни тарбиялаб етиштирди.

1879–1880 йилларда Матмурод сургундан қайтади ва хон уни ўз вазифасига қўяди. Комил яна саройда мирзобоши қилиб тайинланади. Энди шоир кўп вақтини адабиёт ва санъатни ривожлантиришга бағишлайди. 1880 йилларнинг бошларида девонини нашр эттиради. Мусиқа ишларига ҳам катта эътибор қаратиб, ўз атрофига яхши созандаларни тўплайди. Унинг «Рост» мақоми йўлида яратган «Мураббаи Комил», «Пешрави Феруз» куйлари ҳозирги кунларда ҳам ижро этилиб келмоқда.

Комил Россияга биринчи марта 1883 йилда борган. У Москва ва Петербургга саёҳат қилган.

Комилнинг фаолиятида таржимонлик ҳам муҳим ўрин тутади. У 1865 йилда Бархурдор Туркман Мумтознинг (18 аср) насрий «Маҳфил-оро» асарини форс тилидан таржима қилган эди. 1869–1870 йиллари XVI аср муаллифи Фаҳриддин Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавойиф» асарини «Латойиф уз-заройиф» («Зариф латифалар») номи билан форсчадан таржима қилишга киришиб, уни ҳам тезда адо этади. Комилнинг диққатини тортган навбатдаги асари машҳур тарихчи

Мирхондининг «Равзат ус-сафо» асари бўлди. Унинг таржимаси Мунис ва Огаҳий томонидан бошланган ва лекин тугалланмай қолган эди.

Комил 1891 йили Тошкентда бўлди. У лотин босмахонасини, гимназияни бориб кўрди, театрда кирди. 1896-1897 йилларида у яна Тошкентга келади. Бу унинг охири саёҳати бўлиб, у оғирлашиб бораётган аҳволини тузатиш - даволаниш учун келган эди. Комил Тошкентда кўзини докторларга қаратади лекин ҳеч ёрдам топа олмайди. Шоир 1899 йили 74 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Комилнинг турмуш тарзи ва илм олиши ҳақида нималар биласиз?
- 1.2. Комил ва Матмурод ўртасидаги ўзаро муносабатни қандай изоҳлайсиз?
- 1.3. Комил ва Муҳаммад Раҳимхон II муносабатига қандай баҳо бериш мумкин?

2– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Комилнинг ижодий мероси, шеърляти, шеърларида улуғланган фазилатлар ҳақида тушунча бериб, унинг муסיқашунос ва таржимон сифатидаги фаолиятига баҳо бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Комилнинг ижодий мероси тўғрисида сўзлайди.
- 2.2. Шоирнинг лирик шеърларини таҳлил қилади.
- 2.3. Комилнинг ҳажвий шеърларига баҳо беради.

2– асосий масаланинг баёни:

Комил Хоразмий шоир сифатида мумтоз шеърлятимизнинг энг яхши анъаналарининг меросхўри ва ижодий давомчиси бўлди. У зўр истеъдод билан ўтмиш поэзиямизнинг бой шеърӣ шакллари, мураккаб вазн турларини, ранг–баранг услубини чуқур эгаллади ва катта маҳорат билан уларнинг гўзал намуналарини яратди.

Комилнинг бадиий ижоди Шарқ поэзиясининг энг яхши анъаналари асосида, биринчи навбатда улуғ А.Навоӣ лирик меросининг таъсирида шаклланган. Хоразмда ижод қилган ўзбек шоирларининг деярли ҳаммаси Навоӣга эргашган. Шу жумладан, Комил ҳам Навоӣ асарларини жуда синчиклаб ўрганган, унинг руҳига киргач ва поэтик ижодида навоӣвор қалам тебратиш билан фарқланган:

Нетонг Комил Навоӣ ёнглиғ улса сўз аро сармаст...

Шунинг учун Комил девонига кирган муҳаммасларнинг катта қисми Навоӣ ғазалларига боғланган.

Комил ижодида Хоразмда етишган Мунис, Огаҳӣ каби улкан қалам соҳибларининг, ҳам таъсири катта бўлди. Мунис, маълум маънода Хоразм адабий ҳаракатчилигининг асосчисидир. Мунисдан кейин ўтган деярли ҳамма хоразмлик қаламкашлар, шу жумладан, Комил ҳам унинг устозлик мавқеини тан оладилар.

Комил шеърлятининг илғорлиги, халқчиллиги шундаки, у ўз ижодининг ҳамма даврларида адабиётимиз илғор анъаналарига амал қилиб, адолатни, тараққийни ёқлади, халқнинг эзгу умидларини қуйлаб, зулмни, жаҳолатни

коралади. Шунинг учун ҳам унинг ижоди ўзбек классик адабиётининг илғор вакиллари ижодига ҳамоҳангдир.

Комил ўз замонидаги шоир-фозилларнинг аҳволини тасвирлаб, уларнинг жоҳил амалдорлар зулмидан қон ютаётганлигини ёзади.

Ютубон бу замонда қон фузало,
Кулфат ўқиғадур нишон фузало.
Жухало зумраси келиб ғолиб,
Бўлди мағлуби нотавон фузало.
қатнабон сифлалар эшикига,
Топмас ўлтиргали макон фузало...

«Жухало» деган радифли ғазалида эса Комил амалдорларнинг порахўрлик майи билан маст бўлиб, адолатни бутунлай унутганлигини, ёмонликка ривож бериб, кўп мол-давлат тўплаганлигини, олимларнинг обрўсини тўкиб, жоҳил ва нодонларни ҳимоя қилганлигини айтадики, бу хил ғазаллар публицистик шеърнинг энг яхши намуналари ҳисобланиши мумкин.

Нўш этиб ришва майин, етмай улус додига,
Билмадилар даме ойини адолат жуҳало.
Бўлибон ҳамойи арбоби фасоду сиркат,
Жамъ қилдилар уқуш давлату сарват жуҳало...

Шоир ижодига хос бош хусусият - ўзбекча ва форсча шеърларининг ҳаёт ва халқ турмушига яқинлигидир.

Комил адабий меросида мулла–имомлар, шайх–зоҳидлар, уларнинг кирдикорларини фош этишга ҳам маълум ўрин берилган. У ўз шеърларида масжидда бекорга жар солиб, одамларни лаққиллатган риёкор шайхларни кечаси бекорга увиллаган итга ўхшатишгача журъат этади.

Тортар риёйи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фиғон
Ё кўкка бокиб кўчада ҳар кеча ит увлармудур.

Муҳаббат мавзуси Комил ижодида ҳам олижаноб инсоний фазилатларни қуйлаш воситаси ҳисобланади. Шу сабабли шоир инсонни муҳаббатсиз тасаввур қила олмайди.

Кўнгул вайрон бўлур бир лаҳза айрилса ҳаёлингдин,
Ҳароб ўлгай басе, ҳар мулкким, гар бўлса султонсиз.
Замиринг айлагил ишқу муҳаббат маъдани, Комил,
Не қадру эътибор ўлгай садафга дурри ғалтонсиз.

Комил муҳаббатни инсон қалбидаги энг қимматли маъдан деб таърифлайди. У самимий муҳаббат орқали инсонпарварлик ғояларини, дўстлик, вафодорлик, садоқат каби инсоний фазилатларни тарғиб қилади.

Комил ижодида ширу шакар шаклида яратилган шеърлар ҳам учрайди:

Жамолинг то сипехри ҳусн уза чун меҳру анвар шуд,
Бўла олмай муқобил гулиҳон аз зарра камтар шуд.

Комил поэзиясида мухаммас жанри ҳам муҳим ўрин тутади. Шоир мухаммаснинг тахмис шаклидан фойдаланиб, А.Навоий, Мунис, Огаҳий каби санъаткорлар ғазалларига муваффақиятли мухаммаслар боғлаган ва ўзининг бадий маҳоратини намойиш этган.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Шоирнинг лирик шеърларини шарҳланг.
- 2.2. Комил ижодий меросида ҳажвиёт қандай ўрин тутади?
- 2.3. Комилнинг бастакор ва мусиқашунослик фаолиятига муносабатингиз?

Мавзу: Муқимий

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда Муқимийнинг болалик ва ўқиш йиллари, лирикаси, шеърларининг мавзу доираси ҳақида тасаввур уйғотиш, шунингдек, шоир ҳажвиёти ва “Саёҳатнома”ларини таҳлил қилиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> Муқимийнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. Шоирнинг лирик шеърлари ва “Саёҳатнома”ларини таҳлил қилади. Муқимийнинг ҳажвиёти ва юморларига баҳо беради. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: Болалиги, адабий мероси, ҳажвиётида ижтимоий иллатлар танқиди, ижодида сиёсий мавзу, мutoйибалари, “Саёҳатнома”лари, шоир ижодида мактуб жанри.</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий ҳужум.</p> <p>Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.</p>	Ўқитувчи	
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш. Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади</p>	Талаба	
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> Муқимийнинг ҳукмрон доиралар билан бўлган муносабати ҳақида нималар биласиз? Шоирнинг Тошкентга қилган саёҳати ижодига қандай таъсир кўрсатган? 	Ўқитувчи-Талаба	

	3. Муқимий лирикасини мавзу жиҳатдан неча гуруҳга ажратиш мумкин? 4. Шоирнинг ҳажвий асарларида қандай муаммолар кўтарилган? 5. “Саёҳатнома” жанрининг шаклланиши ва унинг шоир ижодида тутган ўрни ҳақида нималар биласиз?		
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқарилади. Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. Шоирнинг таржимаи ҳоли
2. Муқимийнинг адабий мероси

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Болалик ва ўқиш йиллари, ижодий мероси, шеъриятида муҳаббат мавзуси, ҳажвиётида ижтимоий иллатларнинг танқиди, ижодида сиёсий мавзу, мутуйибалари, «Саёҳатнома»лари, шоир ижодида мактуб жанри

Мавзуга оид муаммолар:

1. Маълумки, Муқимий ижодида ҳажвиёт етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунинг асосий омиллари нималарда кўринади, шоир шахсий ҳаёти таъсирида пайдо бўлганми ёки ижтимоий муҳит?..
2. Маълумки, 19-асрнинг иккинчи ярмида Муқимий ижодида айрим янги жанрлар шаклланди. Нима сабабли бу жанрлар бошқа шоирлар ижодида эмас, балки айнан Муқимий ижодида пайдо бўлди, деб ўйлайсиз?

1 – асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Муқимийнинг болалик ва ўқиш йиллари ҳақида тушунча бериш, шунингдек, унинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири эканлигини асослаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Муқимийнинг болалик ва ўқиш йиллари ҳақида маълумот беради.
- 1.2. Муқимий ва ҳукмрон доиралар ўртасидаги муносабатни тушунтиради.
- 1.3. Муқимийнинг Тошкентдаги ҳаётига баҳо беради.

1 – асосий масаланинг баёни:

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий 1850 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. Унинг отаси Мирзохўжа асли тошкентлик бўлиб, 1835–36 йилларда ўз отаси Мирфозил

билан қўконга қўчиб борган. Мирзохўжа Қўконда Бибиойша (Ойшабиби) исмли кизга уйланган. Мирзохўжа билан Бибиойша беш фарзанд – тўрт қиз (Тожиниса, Улуғбиби, Сайдиниса, Меҳриниса) ва бир ўғил (Муҳаммад Аминхўжа) кўрган эди.

Муқимий мактаб ёшига етгач, одатга кўра, уни ўз маҳалласидаги мактабдор домлага топширдилар. У маҳалла мактабини битиргач, қўконнинг машҳур «Ҳоким ойим» мадрасасида ўқиган.

Муқимийнинг қачондан бошлаб шеър ёзишга киришганини аниқ белгилаш қийин. У тахминан ўз ижодини 60–йилларнинг ўрталарида бошлаган деб айтиш мумкин. Муқимий, тахминан, 1872-73 йилларда қўкон мадрасасини битиргач, ўқишини давом эттириш учун ўз даврининг илмий маркази ҳисобланган Бухорога кетади. Унинг бир неча йил давомида Бухорода бўлиши унинг маънавий тақомилида сезиларли из қолдирди. Айниқса, шоирнинг форс тилини мукамал ўрганиб, у тилда бадий юксак шеърлар ёзишида Бухоро муҳитининг таъсири кучли бўлди.

Шоир 1876 йилларда Бухородан ўз юртига Қўконга қайтди. Муқимий Бухорода ўқиб юрган кезларида, унинг отаси Мирзохўжа узоқ вақтлар бева юрганидан сўнг (Муқимийнинг онаси Хуморбиби, тахминан 1867 йиллар атрофида вафот этган эди) Зиёдабиби исмли бир жувонга уйланган эди. Зиёдабиби Мирзохўжа оиласига уч қизини ҳам эргаштириб келган эди.

Мирзохўжа ва Зиёдабиби - эр ва хотин куда бўлишга қарор қилдилар; бу маслаҳатга «иши юришмай турган» Муқимий ҳам қаршилиқ кўрсатмади. Натижада у ўз ўғай синглиси Санамбибига уйланиб, «уй-жойлик» ҳам бўлиб қолди. Муқимий 1877 йилга яқин қўкондаги ер қурилиши маҳкамасига мирзалик (саркотиблик) вазифасига ишга кирди. Орадан кўп ўтмай Муқимий ишини ўзгартиради ва қўконнинг ғарби – шимолида Сирдарё ёқасидаги Оқжар паромидида паттачи вазифасида ишлай бошлади.

Муқимий ҳаётининг 1876 йилдан кейинги йилларини шоир ижодининг бурилиш даври деб ҳисоблаш керак. Бу даврда Муқимий классик адабиётнинг энг яхши анъаналарини ўзига сингдириб олган етук шоир сифатида уни бойитиб, ривожлантириб борди.

Муқимий ер қурилиши маҳкамасидаги мирзаликни қандай сабаблар билан тарк этган бўлса, худди шундай сабаблар билан Оқжар паромидидаги паттачиликдан ҳам воз кечди ва у 70–йилларнинг охирларида қўконга қайтиб, бутун борлиғи билан ижодий ишга шўнғиди.

Муқимий шоир сифатида шундай катта обрў қозона бошлади, халқ ўртасида обрўли ва суюкли шоир бўлишидан ташқари, турмуш ҳодисаларини, адолатсизликларни танқидий баҳоловчи ҳажвгўй ҳам эди.

1879 йилда Муқимий Санамбиби билан ажралди ва ўғли Акбархўжани онасида қолдириб, бошқа оила курди. 1885–86 йилларда Муқимий оиласида яна бахтсизлик рўй берди: оилани аранг тебратиб турган Мирзохўжа вафот этди. Ўғай она, сингиллар, гўдак ўғли, уларга ёлғиз Муқимий қараши ва бундан кейин уларни ўз парваришига олиши зарур бўлиб қолган эди, лекин Муқимийнинг доимий даромади ва шоирликдан бошқа касб-кори йўқ эди. Ҳовли-жойини, рўзгорини оила тирикчилиги учун сарф этиб, ўғай онаси ва сингилларини бироз иқтисодий жиҳатдан тинчитгач, ўзи бу бўғиқ муҳитдан, кулфатли ҳаётдан кутулишнинг бирдан–бир йўли қўқонни тарк этиб, Тошкентдан паноҳ излаб, йўлга чиқди.

Муқимийнинг Тошкентга қилган бу биринчи саёҳати 1887–88 йилларга тўғри келади. Бу саёҳат унинг ҳаёти ва ижоди учун катта аҳамиятга эга бўлди. Тошкент маданият муҳитидан жуда катта маънавий озиқ олди. Унинг бу саёҳати шоирни

Тошкент билан бир умрга боғлади. Муқимий Тошкент таассуротлари билан фикрий жиҳатдан бойиб, ижодий тажрибада янада чиниқиб, қўқонга қайтди ва умрининг охиригача Тошкент билан алоқасини узмади. У кейинроқ яна икки марта: 1892 ва 1899 йилларда ҳам Тошкентга келиб кетади.

Муқимий «расмий вазифа»ларда ишламаган, «доимий даромад»га эга бўлмаган бўлса ҳам, у узлуксиз меҳнат билан умр кечирган: унинг маълум даромад манбалари бўлган. Аввало, Муқимийнинг тирикчилик манбалари тўғрисида фикр юритганда, унинг хаттотлик–котиблик хунари бўлганлигини унутмаслик керак.

Муқимий ўз замонасининг машҳур хаттоти сифатида одамлардан буюртмалар қабул қилар ва китобат иши билан шуғулланар эди. Муқимий жамий қаламда лавҳалар ҳам ёзган. Бу нодир ва қимматбаҳо санъатнинг Муқимий қўли билан ёзилган бир қатор намуналари бизгача етиб келган.

Узоқ муддат давом этган оғир ва мусибатли турмуш ўз ишини қилди: шоир тез–тез касалга чалиниб, 4-5 ойлаб ётиб қоладиган бўлди. 1899–1900 йилларда умрининг охирларигача бўлган даврда шоир соғлиги анча оғирлашган эди.

Муқимий соғлиғи, ҳаёти тўғрисида унинг ёр–дўстлари ғамхўрлик қилиб турганлар. Бу вақтларда шоирнинг тахминан 21-22 ёшларга кирган ёлғиз ўғли Акбархўжа ҳам отаси билан мадрасада яшаган. У шоир ҳаётининг сўнги йилларида доим бирга бўлган ва отасининг ҳолидан хабардор бўлиб турган. Ўз асарлари билан халқ дилидан абадий жой олган машҳур шоир Муқимий узоқ давом этган касалликдан сўнг 53 ёшида, 1903 йил 25 май душанба куни кечаси мадрасадаги ўз хужрасида вафот этади.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Муқимийнинг ҳукмрон доиралар билан бўлган муносабати ҳақида нималар биласиз?
- 1.2. Шоирнинг Тошкентга қилган саёҳати ижодига қандай таъсир кўрсатган?

2– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Шоир лирикаси, шеърларининг мавзу доираси ҳақида тасаввур уйғотиш, шунингдек, ҳажвиёти ва «Саёҳатнома»ларини таҳлил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Шоирнинг адабий мероси тўғрисида маълумот беради.
- 2.2. Муқимийнинг лирик шеърларини таҳлил қилади.
- 2.3. Шоирнинг ҳажвиёти ва юморларини изоҳлайди.
- 2.4. Муқимий «Саёҳатнома»ларига баҳо беради.

2– асосий масаланинг баёни:

Муқимий шеърятининг асосини муҳаббат мавзуси ташкил этади. У муҳаббат алангасида ёнган инсонни куйлайди. Бу инсон истаклари, армонлари, курашлари кечинмалари, севги ва аламлари. Шоир шеърларининг туб мазмунини ташкил этади.

Муқимий ўз шеърятининг «муҳаббат қўшиғи» эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. У муҳаббат алангасида ёнган инсонни куйлайди. Бу инсон истаклари,

армонлари, курашлари, кечинмалари, севинч ва аламлари, шоир шеърларининг туб мазмунини ташкил этади.

Ўзимда, гарчиким, ҳад йўқ эди алҳамдулиллоҳким,
Муборак кўйнига жо топди ашъорим мани они.
Муқимий сўзидан бўйи муҳаббат келгай, эй аҳбоб.
Тараннум қилса маҳфилларда ҳофизларни ҳушхони.

Муқимий ғазаллари муҳаббат изтиробларидан энтиккан бир ошиқ кечинмаларининг жонли ва ҳаққоний ифодасидир. Унда, худди ҳаётнинг ўзида бўлганидек, нозик ва чуқур туйғулар, қарама-қарши кайфиятлар акс этади. Бу ғазалларда муҳаббат алангасида ўртанган юракка хос қайғу-алам билан бирга оғушининг лаззати ҳам бор, айрилиқ-ҳижрон жафоларидан фарёд қилиш билан бирга, ёр-висол умидининг севинчлари ҳам янграб туради.

Муқимий ижодий меросида ҳажвиёт салмоқли ўрин тутди. Шоир сатираларини танқид объектига қараб, шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1.Чор чиновниклари ва маҳаллий амалдорлар зулмини кўрсатишга қаратилган сатиралар («Танобчилар», «Дод-хоҳим», «Ахтаринг», «Сайлов», «Тар мевалар», «Дар мазаммати сагеки, эллик боши номи нихода буданд»).

2.Маҳаллий бойлар, мустамлакачиларнинг кирдикорларини очиб ташлашга қаратилган сатиралар. («Масковчи бой таърифида», «Ҳажви Виктор бой», «Ҳажви Виктор», «Воқеаи Виктор», «Дар шикоят Лахтин», «Воқеаи кўр Ашурбой», «Тўйи Иқон бачча», «Ҳожи қадоқчи», «Гап тўғрисида гап»).

3.Жамиятда текинхўрлик билан ҳаёт кечирувчи дин аҳллари танқид қилишга бағишланган сатиралар. («Ҳажви халифаи Мингтепа», «Дар мазаммати қурбақа», «Авлиё» ва бошқалар).

Муқимий ҳажвиётининг иккинчи қисми юмористик шеърлардир. Муқимийнинг ўттизга яқин юмористик асарлари бўлиб, улардан йигирма бештаси нашр этилган. Бу мутойиба шеърлар бир неча мавзуларга бўлинади. Муқимийнинг таъбиға ёққан мавзулар ҳам борки, шоир бу мавзуларга қайта-қайта мурожаат қилади. Бу ҳолни от, арава, лой, пашша, безгак мавзуларида кўриш мумкин. Муқимийнинг кўса мавзусига алоҳида мойиллиги сезилади. Чунончи, у «Кўсамен», «Девонамен» радифларида бешта шеър ёзган. От мавзусидаги шеърлари ҳам бундан кам эмас.

Ўзбек адабиётида маълум ва ғоявий хусусиятларга эга бўлган «Саёҳатнома» жанрини бошлаб берувчи Муқимий бўлди. Турли вақтларда қилган саёҳат таассуротларини тасвирлаб, учта «Саёҳатнома» ёзди. Кейинчалик шоирнинг янги «Саёҳатнома»си «Исфара саёҳати»дан ҳам топилди.

Муқимий «Саёҳатнома»лари ўз вақтида назираларни майдонга келтирди. Чунончи шоир Завқий ҳам Муқимий анъанасини давом эттирди.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Шоирнинг шеърияти мавзу жиҳатидан неча гуруҳга бўлинади?
- 2.2. Шоирнинг ҳажвий асарларида қандай муаммолар кўтарилган?
- 2.3. «Саёҳатнома» жанрининг шаклланиши ва унинг Муқимий ижодида тутган ўрни ҳақида нималар биласиз?

Мавзу: Фурқат

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда Фурқатнинг болалик ва ўқиш йиллари, лирикаси, шеърларининг мавзу доираси ҳақида тасаввур уйғотиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Фурқатнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. 2. Шоир шеърияти ва дostonларини таҳлил қилади. 3. Фурқатнинг илмий асарлари ва таржималарига баҳо беради. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: Марғилондаги фаолияти, Тошкентдаги фаолияти, чет эллардаги фаолияти, шеърияти, ижодида муҳаббат мавзуси, рус маданиятига муносабати, дostonлари, публицистикаси</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий ҳужум.</p> <p>Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.</p>	Ўқитувчи	
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <p>Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.</p> <p>Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади</p>	Талаба	
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Нима сабабли шоир мадрасадаги ўқишини тўхтатишга мажбур бўлди? 2. Қўқон адабий муҳити ёш Фурқатнинг шоир сифатида шаклланишида қандай таъсир кўрсатди? 3. Нима учун шоир чет элларда юришга ва яшашга мажбур бўлди? 4. Муҳаббат мавзуси Фурқат шеъриятида қандай ўрин тутди? 5. Шоирнинг маърифатпарварлик руҳидаги қандай асарларини биласиз? 6. Шоир қандай илмий асарлар муаллифи? Изоҳ беринг. <p>1. Фурқат қайси асарларни ўзбек тилига таржима қилган?</p>	Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқарилади.</p> <p>Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.</p>	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. Фурқатнинг таржимаи ҳол
2. Шоирнинг адабий мероси

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Марғилондаги фаолияти, Тошкентдаги фаолияти, чет эллардаги фаолияти, шеърляти, ижодида муҳаббат мавзуси, рус маданиятига муносабати, дostonлари, публицистикаси

Мавзуга онд муаммолар:

1. Фурқат ҳаёти ва ижодининг мураккаблиги нималарда кўринади? Нега у ўз юртига қайта олмади?
2. Фурқатнинг рус ва Европа илм-фани ҳақидаги қарашлари тўғрисида нималар дея оласиз? Нима учун шоир Русия илм-фанини кўрди-ю, истибдодини пайқамади?

1 – асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Фурқатнинг болалиги, илм таҳсили, вояга етган оиласи, шунингдек, чет эллардаги фаолияти тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Фурқат вояга етган оила, унинг болалиги ва билим олиши ҳақида сўзлайди.
- 1.2. Фурқатнинг Тошкентдаги фаолиятига баҳо беради.
- 1.3. Шоирнинг чет эллардаги саёҳатига изоҳ беради.

1 – асосий масаланинг баёни:

Зокиржон Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. Унинг отаси Холмуҳаммад санъат–адабиёт билан қизиқувчи замонасининг пешқадам кишиларидан эди. Фурқат бошланғич маълумотни эски мактаблардан бирида олди. У мактабда ўқиб юрган кезларида шарқ классикларининг асарларини зўр мароқ билан ўқир эди. У, айниқса, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири А.Навоийга зўр муҳаббат қўйган эди. Зокиржон Фурқат ўзининг шеърлят соҳасидаги дастлабки машқларини ҳам мактабда ўқиб юрган кезларида бошлаган эди. Унинг мактабда ёзган биринчи шеъри қуйидаги байтдан иборат бўлган:

Менинг мактаб аро булдуру муродим,
Хатимдек чиқса имлои саводим.

1870 йилда Зокиржон Фурқат мактабни муваффақият билан тугатгач, Қўқон мадрасаларидан бирига ўқишга кирди. Зеҳнли ва истеъдодли Зокиржон Фурқат мадрасада ўқитиладиган билимларни тезлик ва осонлик билан ўзлаштириб борди. Фурқат мадрасада ўқиб юрган вақтларидаёқ Ҳофиз, Бедил, Жомий, Фузулий ва Навоийлар ижоди билан чуқур танишган ва шарқ поэзиясининг бой ижодий тажрибасидан яхши хабардор эди. Бироқ Зокиржон Фурқатнинг мадрасадаги ўқиши

узоқ давом этмади. 1875 йилда Қўқон хонлигида авж олиб кетган ўзаро урушлар туфайли мадраса ёпилди. Фурқат ҳам ўқишни тўхтатиб, турмуш ишлари билан шуғулланишга мажбур бўлди. Фурқат бир неча йил Қўқонда отаси ёнида тирикчилик ишлари билан машғул бўлгандан сўнг, 1878 йилда янги Марғилонга тоғаси ёнига борди ва у ерда бир неча йил савдо ишлари билан банд бўлди. Фурқат 80-йилларнинг бошларида Қўқонга қайтади ва бутунлай ижодий иш билан машғул бўлади. Фурқатнинг Қўқонда Муқимий атрофида ташкил топган адабий ҳаракатга қўшилиши ва унда актив иштирок этиши шу вақтларга тўғри келади. Фурқатнинг ўз «Саргузаштнома»сида берган маълумотига кўра бу пайтда шоир 24 ёшларда бўлган.

Фурқат бу даврда кичик ҳажмдаги лирик шеърлар ёзиш билан бирга бадиий таржима билан ҳам шуғулланиб, машҳур «Чор дарвеш» қиссасини форсчадан ўзбекчага таржима қилди, Шарқ адабиётида кенг тарқалган машҳур сюжетлардан ижодий фойдаланиб улар асосида «Ҳаммоми хаёл», «Нух манзар» асарларини яратди. Лекин Фурқатнинг бу асарлари ҳозиргача топилмаган.

Манбалардаги маълумотларга кўра, 80-йилларнинг охирларида Фурқат Марғилонга борган, у ерда бир неча вақт яшаб, адабий-ижодий ишлар билан шуғулланган, олимлар билан танишиб, ўз маълумотини чуқурлаштирган.

1889 йилда Фурқат саёҳат қилиш мақсадида Марғилондан чиқиб Қўқон орқали Хўжандга келади. Фурқат Хўжандда бир неча вақт яшагандан сўнг яна саёҳатга отланади. У 1889 йилнинг июн ойида Тошкентга келди ва бу ерда қарийб икки йил туриб қолди. Бу давр Фурқат ҳаёти ва ижодий тақомилида муҳим роль ўйнади.

Фурқат Тошкентдаги «Қўқалдош» мадрасасидан бир ҳужра олиб, шу ерда яшай бошлади. Фурқат Тошкентга келгандан сўнг бутун борлиғи билан ҳаётга шунғиди ва ижодий ишга берилди. У ўз одатига кўра маҳаллий маданият намояндalари – шоирлар, санъаткорлар ва илм аҳллари билан танишди, улар билан суҳбатлар, адабий ўтиришлар, мушоиралар ўтказди, ижодий ҳамкорлик қилди.

Тошкентда у «Туркистон вилоятининг газети» редакциясида ва босмахоналарида бўлиб, матбаачилик ишлари билан танишди. Гимназияда, рус-тузем мактабларида бўлиб, янгича усулда ўқиш-ўқитиш ишларини кўрди, замонавий илм ва маорифдан хабардор бўлди. Театрга концерт томошаларига, клуб ва бошқа жамоат муассасаларига борди. Шубҳасиз, Фурқат Тошкентда маҳаллий маданият арбоблари дўстлашгани сингари, илғор рус маданияти арбоблари билан ҳам танишган, дўстлашган ва ҳамкорлик қилган.

Фурқат 1891 йилнинг май ойида Тошкентдан чиқиб, Самарқандга борди. У ерда дўсти, тарихчи олим Мирзо Бухорий билан учрашиб, бир неча вақт яшади, орадан кўп ўтмай Фурқат саёҳат нияти билан яна йўлга тушди. Шу билан шоирнинг икки йилдан кўпроқ давом этган Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳати бошланди.

Фурқат Самарқанддан Красноводск орқали Бокуга борди, ундan Истанбулга ўтди. Фурқат 1891 йилнинг куз ва қиш ойларини Истанбулда ўтказиб, 1892 йилнинг баҳорида Арабистонга йўл олди. Шу йилнинг ёз ойларида Арабистондан Мисрга, Болгарияга, Юнонистонга саёҳат қилди. 1892 йилнинг куз ойларида яна Арабистонга қайтди, унда бир неча вақт туриб, ўша йилнинг октябр ойида Ҳиндистонга қараб йўл олди ва Бомбай шаҳрига бориб тушди. Фурқат Бомбайда Мавлавий Иқромиддин исмли бир сайёҳ билан танишди ва дўстлашди. Шу икки дўст Ҳиндистон вилоятларига саёҳатга отланди. Улар Сарандиб, Кашмир вилоятларини томоша қилдилар.

Фурқат киш фаслини Ҳиндистонда ўтказиб, 1893 йилнинг бошларида Ҳиндистондан Тибет орқали Хитойга ўтди ва Хўтан шаҳрига келди, унда бир неча вақт яшаб, Ёрқент шаҳрига ўтди ва шу ерда турғун бўлиб қолди. Шундай қилиб, Фурқатнинг икки йилдан кўпроқ давом этган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳати Ёрқентда тугалланди.

Шоир Ёрқентда қарийб 16 йил умр кечирди. Фурқат бу ерда Ёнахон исмли уйғур қизига уйланиб, ундан уч фарзанд – Нозимжон, Ҳакимжон ва Нодиржон исмли ўғиллар кўрди.

Фурқат узоқ муддат чет элларда яшаган бўлса ҳам, ҳеч қачон ўз ватанини унутмади. У умрининг охиригача қўқон, Тошкент, Андижон, Марғилон ва бошқа шаҳарлардаги дўстлари билан хат орқали алоқа қилиб турди, у «Туркистон вилоятининг газети» билан ҳам ўз алоқасини узмади. Унинг шеърлари, мақолалари, хабарлари бу газета саҳифаларида босилиб турди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Нима сабабли шоир мадрасадаги ўқишини тўхтатишга мажбур бўлди?
- 1.2. Қўқон адабий муҳити ёш Фурқатнинг шоир сифатида шаклланишида қандай таъсир кўрсатди?
- 1.3. Нима учун шоир чет элларда юришга ва яшашга мажбур бўлди?

2– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Шоир лирикаси мавзулар олами ҳақида тушунча бериш ва дostonларида кўйилган масалаларни изоҳлаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Шоир шеърляти ҳақида сўзлайди.
- 2.2. Фурқат дostonларини таҳлил қилади.
- 2.3. Фурқатнинг илмий асарлари ва таржималарига изоҳ беради.

2–асосий масаланинг баёни:

Фурқат адабий меросининг катта қисмини унинг шеърляти ташкил этади. Фурқат мумтоз шеърлятимизнинг мавжуд шеърлий шаклларида (ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, таржибанд ва бошқалар) моҳирлик билан фойдаланди ва уларнинг ажойиб, гўзал намуналарини яратди.

Муҳаббат мавзуси Фурқат шеърлятининг асосини ташкил этади. Шоир инсонларга гўзаллик ва улуғворлик бағишловчи муҳаббатни қуйлайди, муҳаббат мавзусида ёзган асарларида олижаноб инсоний фазилатларни ва кечинмаларни улуғлайди.

Фурқат шеърлятида яратилган ижобий қаҳрамон ҳаётни севади, ҳаёт гўзалликларида лаззатланишга интилади. Ёр – маҳбуба ва унинг ҳусни латофати, нозу карашмалари ҳақидаги қўшиқ шу ҳаёт гўзалликларининг тимсоли сифатида майдонга келади. Фурқат шеърлятида «Фасли навбаҳор», «Фасли гулдир», «Баҳор айёмида», «Истар кўнгул», «Ул қаро кўз» ва шу каби бошқа кўп шеърларида ҳаёт гўзаллиги тараннум этилади.

Дўстлар, айшу тараф, фасли баҳор истар кўнгул,
Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгул,
Кабик рафторин кўрарга кўҳсор истар кўнгул.
Доғу хурсанд этгуси ҳар неки бор истар кўнгил.

Фурқат лирик қаҳрамонининг бундай «кўнгил истаклари» шоирнинг «Баҳор айёмида» сарлавҳали ғазалида ҳам ўз ифодасини топган.

Баҳор айёмида гулгаш этарга бир чаман бўлса,
қилурга шарҳи ҳол аҳлу муҳаббат икки тан бўлса,
Бўлут катрофишону руҳафзо забзар хандон,
Ариқларнинг лабида сабзивору бир чаман бўлса.
Киши тубию кафсал жаннату ризвонини не қилсин?
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса.

Фурқат муҳаббат лирикасининг кўп ва жуда гўзал намуналарини яратди. Мана яна бир мисол:

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Барки андин даҳр эли ортиқча ғавғо тортадур,
қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари
Икки ҳинду бачадурким, ёндошиб ё тортадур.

Фурқат поэзиясида тез–тез учраб турадиган юқори маҳорат билан ёзилган бундай жўшқин шеърлар шоир лирик қаҳрамонининг ҳарактерли ва етакчи хусусиятини белгилаб беради.

Бизгача Фурқатнинг уч достони – «Суворов ҳақида», «Юнон мулкида бир афсона» ва «Бир можаро» достонлари етиб келган.

«Суворов ҳақида» асари 1890 йилда Тошкентда ёзилган бўлиб, у 172 мисрадан иборатдир. Достоннинг ёзилишига бевосита сабаб бўлган ҳодиса 1890 йил 5 октябрда Тошкентдаги рус театрида қўйилган томоша бўлди. Рус драматургларида Н.Куликовнинг «Суворов кишлоқда, Миланда ва яхши аёллар орасида» номли драматик асарини саҳнада кўрган Фурқат ундан қаттиқ таъсирланади ва унинг мазмунини шеърӣ шаклда баён этиб, «Суворов ҳақида» поэмасини яратди. Достонда улғу рус саркардаси А.В.Суворов ҳаётининг сўнгги йилларига оид эпизодлар акс эттирилади. Екатерина II тахтининг меросхўри Павел I билан А.В.Суворов ўртасида чиққан низо натижасида А.В.Суворовнинг сургун қилиниши, Наполеон Бонапарт босқинчиликларига қарши кўтарилган уруш муносабати билан А.В.Суворовнинг яна лашкарбоши қилиб тайинланиши, унинг рус аскарларига бошчилик қилиб Француз босқинчиларига қарши Италияда Альп тоғларида жанг қилиши, шиддатли жангларда душманни енгиши ва ниҳоят тантана билан Милан шаҳрига кириб келиши каби тарихий воқеалар достон мазмунини ташкил қилади.

«Юнон мулкида бир афсона» маснавий йўлида ёзилган бўлиб, бу достон 176 мисра шеърни ўз ичига олади. Достонда шоир чет элларга қилган саёҳати даврида Юнонистонда бир қиз оғзидан эшитган ҳикоясини шеърӣ шаклда баён қилади.

Шоир достоннинг бош қисмида Юнонистон саёҳатидан олган таассуротлари ҳақида қисқача сўзлагандан сўнг, қиз ҳикоясини баён этишга киришади:

Менинг аслим эрур аҳли Итолиё,
Иқоматгоҳим эрди шаҳри Румо.

Достоннинг бундан кейинги сатрларида қиз саргузаштлари баён қилинади. қизнинг касалланиши, докторлар маслаҳати билан дарё лабида қаср бино қилиниши ва бу қасрда қизнинг даволаниши; бу қизнинг саёҳатга чиқиши ва дарёга ғарқ бўлиши, унинг балиқчи тўрига илиниб кутқарилиши, қиз хушига келгандан кейин ўз асли насабини билдириши, балиқчининг қизни Румога олиб келиб, унинг ўз ота-оналари билан топиштируви достон воқеасининг асосий эпизодларини ташкил этади. Достоннинг охирги қисмида таъкидланишича, бир ўлимдан қолган қиз қолган умрини саёҳат билан ўтказишга жазм қилган. У Италиядан чиқиб Юнонистонга келади, бунда бир неча замон яшаб, Францияга, ундан Россияга боришни мўлжаллайди.

Фурқат 1891 йилда Тошкентда ўзининг бошидан кечирганларини, яъни таржимаи ҳолини ёзиб чиқди. Бу асар «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида (1891 йил январ – июн сонларида) босилди. Автобиографик характердаги бу асар «қўқондлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони» деб аталган бўлса ҳам, бу сарлавҳа асарга ном бўла олмайди. Шунинг учун уни Фурқатнинг ўзига асосланиб, «Саргузаштнома» деб аташ тўғрироқ бўлади. «Саргузаштнома» мемуар асар сифатида қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Бу асарда Фурқат ўзининг болалик давридан бошлаб 1891 йилгача, яъни Тошкентдан чиқиб кетгунча бўлган давр ичида бошидан кечган воқеалар тўғрисида фикр юритади.

Фурқат таржимаи ҳолидан маълумки, у ўз ҳаётининг сўнгги йилларида Ёрқентда табобат, астраномия илмлари билан қизғин машғул бўлган. Шоирнинг ижодий мероси ичида унинг мазкур илмлардан чуқур хабардор бўлганини кўрсатувчи далиллар бор. Фурқатнинг этнография, тарих, шеърят соҳаларида ҳам асарлар ёзгани маълум.

Фурқат ўз «Саргузаштнома»сида 1875–76 йилларда қўқон хонлигида рўй берган воқеаларни ўз ичига олган тарихий асар ёзганлигини айтади. Афсуски, бу асар ҳозирча топилган эмас.

Фурқат ижодий меросида яна тўртта илмий асар учрайди. Уларнинг учтаси этнографик характерга эга бўлиб, улар «Тўй тавсифи», «Гап тавсифида», «Аза тавсифи» деб аталади. Тўртинчиси эса адабиётшунослик характерида бўлиб, «Илми ашъорнинг қоидаи авзони» деб аталади. Бу тўрт асар кичик ҳажмдаги рисоалар бўлиб, улар шоирнинг Тошкентда яшаган даврида майдонга келган.

Фурқат бадий таржима билан ҳам шуғулланган. У Шарқ адабиётининг машҳур намуналаридан бир нечтасини ўзбек тилига таржима қилган. Бироқ, бу таржималар ҳозиргача топилган эмас. Фурқат ўз «Саргузаштнома»сида қуйидаги китобларни ўзбек тилига таржима қилганлигини айтади:

1. «Ҳамоми хаёл», шеърӣ таржима.
2. «Чор дарвеш», форсчадан проза йўли билан ўзбекчага таржима.
3. «Нух манзар». Бу ҳақда Фурқат: «Нух манзар ном бир китобни турки манзума айладим», - деб ёзадики, бундан Фурқатнинг бу асарни эркин таржиа қилгани маълум бўлади.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Муҳаббат мавзуси Фурқат шеъриятида қандай ўрин тутади?

- 1.2. Шоирнинг маърифатпарварлик руҳидаги қандай асарларини биласиз?
- 1.2. Шоир қандай илмий асарлар муаллифи? Изоҳ беринг.
- 1.3. Фурқат қайси асарларни ўзбек тилига таржима қилган?

Мавзу: Завқий

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда Завқий лирикаси, шеърларининг мавзу доираси ҳақида тасаввур уйғотиш, шунингдек, ижодидан намуналар таҳлил қилиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Завқийнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. 2. Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги ғазаллари, мутойиба шеърлари ва ҳажвиётини таҳлил қилади. 3. Шоирнинг дostonларига баҳо беради. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар:</p> <p>Лирикаси, муҳаббат мавзусидаги ғазаллари, ҳажвиёти, мутойиба шеърлари, дostonлари, «Саёҳатнома»лари.</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий ҳужум.</p> <p>Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.</p>	Ўқитувчи	
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <p>Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.</p> <p>Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади</p>	Талаба	
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Завқий ҳажвиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималар биласиз? 2. Шоирнинг «Ҳажви аҳли раста» асарида қандай муаммолар кўтарилган? 3. Мутойибалар Завқий ижодида қандай аҳамиятга эга? 4. Нима учун саёҳатнома «Сув жанжали» деб аталган? 5. «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» асарида қандай иллатлар қораланган? 6. Завқий дostonлари XV асрда яратилган дostonлардан нимаси билан фарқ қилади? 	Ўқитувчи-Талаба Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқарилади.</p> <p>Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади,</p>	Ўқитувчи	

	мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.		
--	--	--	--

Мавзу режаси:

- 1.Завқий лирикаси
- 2.Шоирнинг «Саёҳатнома» ва дostonлари

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Лирикаси, муҳаббат мавзусидаги ғазаллари, ҳажвиёти, мutoйиба шеърлари, дostonлари, «Саёҳатнома»лари

Мавзуга оид муаммолар:

1. Маълумки, Завқий 19-асрнинг иккинчи ярми ва 20-аср бошлари ўзбек адабиётида ҳажвиётнинг ривожланишига бекиёс ҳисса қўшган шоир ҳисобланади. Шоир ижодида ҳажвиётнинг бу қадар тараққиёти омили нималарда кўринади?
2. Завқий ижодида рус мафкурасини қувватловчи асарлар ҳам учрайди. Бунинг сабаблари нималарда кўринади?

1-асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Шоирнинг ҳаёти ва ижоди, шеърининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунча бериш ҳамда ғазалларидан намуналар таҳлил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Завқийнинг таржимаи ҳолини сузлайди.
- 1.2. Муҳаббат мавзусидаги ғазалларини таҳлил қилади.
- 1.3. Шоирнинг мutoйиба шеърлари ва ҳажвиётига баҳо беради.

1–асосий масаланинг баёни:

Завқий таҳаллуси билан шуҳрат топган Убайдулла уста Солиҳ 1853 йилда Қўқонда Шайхон маҳалласида қосиб–хунарманд оиласида туғилди. Завқий эски мактабда хат-саводини чиқарганидан сўнг, тахминан, 1870-71 йилларда мадрасага ўқишга кирди. Лекин орадан кўп ўтмай, икки оёғи шол бўлиб, ўтириб қолган отасини боқиш, оилани тебратиш зарурияти туғилгани учун у 1874 йилда маҳсидўзлик билан шуғулланишга мажбур бўлди.

Завқийнинг қачондан бошлаб шеър ёзишга киришгани маълум эмас. Шубҳасиз, у мадрасада ўқиб юрган кезларда унда шеърятга ҳавас уйгонган бўлиши мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам қўқон Фарғона водийсидаги адабий марказ сифатида ўз анъаналарини давом эттириб келар эди. Завқий бу адабий марказ шоирлари билан танишади, улар билан ҳамкорлик қила бошлайди.

1898 йилда Завқийнинг оилавий ҳаётида бир қанча бахтсизликлар рўй беради: узоқ вақт бетоб ётган отаси ва икки укаси вафот этади. Хотини Тожиббининг ҳам икки кўзи ожиз бўлиб ўтириб қолади. Шунинг учун шоир бу бахтсизликларни

унутиш мақсадида Муқимий билан бирга Фарғона бўйлаб саёҳатга чиқади. Икки шоир Андижонга, ундан Ўшга ўтадилар.

1900 йилда Завқий тоғаси Муҳаммад Сиддиқ билан биргаликда Арабистонга саёҳат қилади. Бу саёҳатдан 1903 йилнинг ёз ойларида ўз ватани қўқонга қайтиб келади. Завқий Арабистон саёҳатидан кейин умрининг охиригача Қўқонда яшаб, ижод қилди.

Завқий ўзига хос услубда ҳажвий асарлар ёзишни зўр маҳорат ва журъат билан давом эттирди. Бу жиҳатдан 1905–1906 йиллар атрофида ёзилган «Аҳли раста ҳажви» сатираси характерлидир. Унда Қўқондаги раста аҳллари танқид қилинади. Раста боёнлари «Аҳли раста ҳажви» сатираси эълон қилинганидан кейин шоирни таъқиб этишга киришадилар, одам ёллаб, қўлга тушириб урдирмоқчи бўладилар. Иш шаҳар маҳкамасигача бориб етади; шоир тергов қилиниб айбланади ва шеър ёзиб обрўли кишиларни танқид қилгани учун унга 100 сўм жарима қилинади. Шоирнинг соғ-саломат қутилиб кетганидан хавотирда қолган раста боёнлари энди уезд ҳокимига арз қилиб чиқадилар. Уезд ҳокими шоирни терговга чақириб, қаттиқ огоҳлантиради, ҳажвиялар ёзишни таъқиқлайди. Лекин шоир бундай таъқиблар ва дўқлардан қўрқмайди, аксинча, ҳоким гуруҳига хитобон «Таладинг баринг» номли ҳажвий шеърини ёзади.

Завқий ижодини уч босқичга ажратиш мумкин:

1. Завқий ижодининг илк даври. Бу давр шоирнинг адабиёт оламига кирганидан бошлаб, 80-йилларнинг бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади.

2. Завқий – демократ шоир. Завқийнинг бу даврдаги фаолияти XIX асрнинг 80–йиллари ўрталаридан Февраль ва Октябрь тўнтаришигача бўлган вақтни ўз ичига олади.

3. Завқийнинг Февраль ва Октябрь тўнтаришлари давридаги ижоди. Бу давр 1916 йилдан шоир ҳаётининг охиригача бўлган вақтини ўз ичига олади.

Муҳаббат мавзусида Завқий жозибали ва унутилмас шеърлар ёзди. Завқий ижодидаги муҳаббат лирикасининг энг яхши намуналаридан «Келмаса келмасун, нетай?», «Бодаи васлинг», «Ғорат этдинг» ғазаллари шулар жумласидандир.

Завқий шеърлятидаги сиёсий лириканинг намуналари сифатида «Демиш хон», «Ажаб эрмас» ва «Фарғона» шеърларини кўрсатиш мумкин.

Завқий асарларининг муҳим қисмини унинг ҳажвиёти ташкил этади. Завқий сатираларининг маълум бир қисми шоир ҳаёт кечирган давр ва унинг кирдикорларига бағишлангандир. «Замона кимники?», «Дар мазаммати замона», «Бўл», «Мунча кўп» шеърлари ана шундай сатиралар жумласидандир.

«Вексель» шеъри муҳаммас шаклида ёзилган бўлиб, у Завқий билан Муқимийнинг биргаликдаги ижодий маҳсулидир, тўғрироғи, Завқий ғазалига Муқимий боғлаган муҳаммасдир. Унда Фарғона водийсида эндигина расм бўлаётган қарз бериб вексель олиш, шу йўл билан оддий деҳқон, косиб ва ҳунармандларни иқтисодий қуллик гирдобига тортиш усули ҳақида фикр юритилади. Вексель ва унинг оқибатларини турмушда яхши кузатиб бораётган шоирлар унинг косиб – ҳунарманд халққа келтираётган кулфатларини бирма – бир кўрсатиб берадилар:

Дикқат ҳам сотолмай, ё бир нима олурга,
қассоб етти ўзни гўшт ўрнига тилурга,
Солган қулоқларини эл, гап недур билурга,
Бозор аҳли ҳайрон савдо – сотиқ қилурга,
Суйи самога йиғлаб косиб фиғони чикди.

«Ҳажви Йигчи эшон» шеъри йигирма бир байтдан иборатдир. Асар 1898 йили Андижонда ёзилган бўлиб, машҳур Дукчи эшон кўзғолонини ҳажв қилишга бағишланган. Завқий бу воқеани «Фарғонанинг шўриши», яъни бахтсизлиги деб ҳисоблайди, Дукчи эшонни эса халқ ўртасида «Вабо пайдо қилувчи офат» деб атайдди. Шеър бошдан оёқ Дукчи эшонга лаънат ёғдирувчи мисралардан ташкил топган. Завқий мазкур кўзғолоннинг моҳиятини тўлиқ англаб етмади, унинг мақсади эрк учун, мамлакат мустақиллиги учун олиб борилаётган курашдан иборат эканлигини ҳис қила олмади ва натижада мана шундай рус мафкурасини қувватловчи асар юзага келди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Завқий ҳажвиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималар биласиз?
- 1.2. Шоирнинг «Ҳажви аҳли раста» асарида қандай муаммолар кўтарилган?
- 1.3. Мутойибалар Завқий ижодида қандай аҳамиятга эга?

2– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Завқий «Саёҳатнома»лари ҳақида маълумот беради ҳамда дostonларида кўтарилган муаммоларни изоҳлайди.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Шоир «Саёҳатнома»ларида табиат манзаралари, қишлоқ амалдорлари ва меҳнаткаш халқ аҳволининг тасвирланиши ҳақида сўзлайди.
- 2.2. «Воқеаи қози сайлов» асарида кўтарилган муаммоларни тушунтиради.
- 2.3. «Қаҳатчилик» достонида ижтимоий ҳодисаларнинг акс эттирилишига баҳо беради.

2-асосий масаланинг баёни:

Завқийдан бизгача учта «Саёҳатнома»: «Сув жанжали», «Обид минг боши ҳақида ҳажв» ва «Шоҳимардон хотираси» номли асарлар етиб келган. Айрим маълумотларга кўра, Завқий Арабистонга борган чоғида ҳам саёҳатнома ёзган, лекин бу саёҳатноманинг тақдири номаълум бўлиб ундан парчаларгина сақланиб қолган:

Ёфаси, куддуси йўли,
Мавсуми бир баҳор экан,
Меваси пўртахол ила,
Анжиру лимузор экан.

«Сув жанжали» саёҳатномаси олти банд, 24 мисрадан иборатдир. Саёҳатномада сув муаммоси тўғрисида фикр юритилади. Карим бобо қишлоғининг мироби пора берган бойларга сув бериб, деҳқонлар ерини сувсиз қолдиргани жуда равшан тасвирланади:

Борганда пешвоз кўй сўйиб,
Ҳожи миробга тўн кўйиб,
Кунлар ўтар шу хил туйиб,

Кўнгиллари хушҳол экан.

Хоҳ рози, хоҳ бўлсин хуноб,
Юрт – элга сув бермай мироб,
Ҳожи ерин қилмиш сероб,
Дехқон учун қаттол экан.

«Обид минг боши ҳақида ҳажв» саёхатномасида бўлис бошлиғи бўлиб турган мингбоши – Обид мингбошининг кирдикорлари ҳақида ҳикоя қилинади:

Ҳайҳот, эшитсангиз улус,
Обид деган қайнар бўлис,
Мансаб эсиз, хайфи жулус,
Бадлафзу, бадгуфтор экан.

Завқийнинг Карим бобо қишлоғидаги ерининг атрофи ўралмаган бўлиб, у ерга бойнинг чорваси тушиб пайҳон қилади. Шоир Обид мингбошига шикоят қилади, лекин бой томонидан оғзи мойланган мингбоши Завқийни маҳкамадан ҳайдаб чиқаради. Бу воқеадан сўнг юқоридаги автобиографик маълумотларни ўз ичига олувчи ҳажвий йуналишдаги саёхатнома вужудга келади.

«Шоҳимардон хотираси» саёхатномаси 1898 йилда Завқийнинг Шоҳимардонга қилган саёхати даврида ёзилган. Унда шоир Шоҳимардон табиати, гўзал манзаралари ва бойликлари ҳақида фикр юритади:

Саҳни ажойиб хуш ҳаво,
Ҳам руҳпарвар, жонфизо,
Хушбўй кўринган ҳар гиёҳ,
Жамбил билан райҳон экан.

Завқийдан икки дoston етиб келган бўлиб, улардан бири «Воқеаи қози сайлов» деб аталади. Дoston 65 байт, 130 мисрадан иборат бўлиб, сайлов мавзусида яратилган. Дostonда тасвирланишича, қўқоннинг Хўжанд даҳаси қозилигига сайлов эълон қилинган, мансаб талашиш хангомаси бошланиб кетади. Рақобатчилар орасида икки даъвогар ажралиб туради, бири ўша пайтда қозилик қилаётган мулла Камол ва бири собиқ қози мулла Ҳакимжонлардир. Мулла Камол ўн минг қарз кўтариб, катталарга пора беришга ҳаракат қилади. Собиқ қози Ҳакимжон ҳам қараб турмайди. Улар ўртасидаги тортишув тарафма – тараф бўлиб, муштлашишгача бориб етади. Лекин ишнинг тизгини шаҳар ҳокими Мединский қўлида эди. Мединский қозиликка мулла Ҳакимжонни белгилади, чунки Завқий таъбири билан айтганда у илгарироқ ҳокимлар билан «ишни пиштиб» қўйган эди.

Шоир дostonни қуйидаги мисралар билан тугатади:

Бу воқеа, Завқий, эмас ёлғон,
Мулло Камол бўлур шоҳиду бурҳон.

«Қаҳатчилик» дostonи 1916 йилда ёзилган бўлиб, 46 байт, 92 мисрадан иборатдир. Дostonда биринчи жаҳон уруши натижасида вабо ва очлик, қаҳатчилик азобига гирифтор бўлган Қўқон халқининг 1916 йилдаги норозилик ғалаёни тасвир этилади.

Завқий достон воқеасини бошлашдан олдин ўша давр ҳаётига умумий тавсиф беради:

Қаҳатчилик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда,
Пайғамбар бўлса нон, ош – авлиёдур,
Яна очлик давосиз бир балодур.

Халқ ғалаёнини тасвирлаш достон марказини ташкил этади. Бу воқеаларда шоир кузатувчилик ролини ўйнайди. ғалаёнчилар ҳукумат маъмурларидан нон талаб қилар эди:

Ҳамма шовқун солиб, ким юлди сочин,
Дедилар: «Барчамиз оч, қил иложин».
Бу янглиғ хор бўлгайму одамзод,
Агар қодир эсанким, айла имдод...

Халқ чор ҳукумати томонидан ҳарбий куч билан қарши олинади. Достон замонадан шикоят мотиви билан тугайди:

Не бўлгай эрди каждор, эй замона,
Мурувват айласанг топиб баҳона.
Ғарибларнинг муродин ҳосил этсанг,
Фақат кут – лоямутга восил этсанг...

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Нима учун саёҳатнома «Сув жанжали» деб аталган?
- 2.2. «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» асарида қандай иллатлар қораланган?
- 2.3. Завқий достонлари XV асрда яратилган достонлардан нимаси билан фарқ қилади?

Мавзу: Анбар отин

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда Анбар отин лирикаси ҳақида тасаввур уйғотиш, шунингдек, шоира ижодидан намуналар таҳлил қилиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Шоиранинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. 2. Анбар отиннинг ҳажвий шеърларни изоҳлайди. 3. «Қоралар фалсафаси» асарини таҳлил қилади. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар:</p> <p>Илм ўрганиши, Дилшод отиннинг шоирага берган баҳоси, шеърят, лирикасида соф севгининг тараннум этилиши, ижодида ижтимоий–сиёсий мавзу, шеърятда ҳажвий</p>	Ўқитувчи	

	йўналиш, «Қоралар фалсафаси» асарида фалсафийлик Дарс шакли: маъруза. Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий хужум. Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.		
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади.	Талаба	
4-босқич	Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар: 1. Шоира яшаган даврдаги ижтимоий муҳит ҳақида нималар биласиз? 2. Дилшод отин шоира хусусида қандай фикрлар билдирган? 3. Шоиранинг фарзандлари тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз? 4. Шоиранинг ўтмиш адабиётига бўлган муносабати қандай эди? 5. Анбар отиннинг ҳажвий шеърларида қандай муаммолар кўтарилган? 6. Шоиранинг панд-насихат руҳида ёзилган шеърларига қандай баҳо берасиз?	Ўқитувчи-Талаба Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқарилади. Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. Шоиранинг ҳаёт йўли
2. Анбар отин лирикаси

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Илм ўрганиши, Дилшод отиннинг шоирага берган баҳоси, шеърляти, лирикасида соф севгининг тараннум этилиши, ижодида ижтимоий–сиёсий мавзу, шеърлятида ҳажвий йўналиш, «Қоралар фалсафаси» асарида фалсафийлик

Мавзуга оид муаммолар:

1. Нима сабабли Анбар отин лирикаси ҳақида фикр юритилганда кўпроқ унинг ҳажвиёти тўғрисида гапирилади. Шоиранинг анъанавий лирикаси бадий савияси ҳажвиётга қараганда пастроқ даражадами?
2. Маълумки, шоиранинг «қоралар фалсафаси» асари фалсафий йўналишда яратилган. Фалсафий асарлар яратиш мазкур даврда яшаб ижод этган шоирлар учун хосми?

1 – асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Анбар отиннинг ёшлиги, илм олиши, оиласи тўғрисида талабаларда тасаввур уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Анбар отиннинг ёшлиги тўғрисида сўзлайди.
- 1.2. Шоиранинг илм ўрганиши ҳақида маълумот беради.
- 1.3. Шоиранинг Зоҳидхўжа билан бирга бўлган оилавий ҳаётига изоҳ беради.

1 – асосий масаланинг баёни:

Анбар отин 1870 йилда Қўқонда ҳунарманд оиласида дунёга келди. Анбарнинг отаси Фармонкул асли Марғилонлик бўлиб шоира Увайсийнинг набирасидир. Онаси Ашурбиби эса қўқонлик Абдулғани исмли косибнинг қизи бўлган.

Фармонкул, тахминан, 1865-66 йилларда Марғилондан Қўқонга келиб қолган ва шу ерда уй-жой қилиб, тургун бўлиб қолган. Шоира таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади:

Отам – Фармонкулийи Марғилоний,
Онам – Ашурбибийи қўқоний.
Алар белбоқчи – бўзчи эрди касби,
Ҳамиша маккайидин эрди нони,
Ким «бўзчи ялчимас белбоққа» доим,
Яна жуфт бўлмас эрди чапони.

Анбар отин улғайгач, уни қизлар мактабига берадилар. Анбар шоира Дилшод отин қўлида таҳсил олади. Дилшод отин ўзининг «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») асарида Анбар отин номини алоҳида диққат ва эътибор билан тилга олади:

«Анбар отин бугдой ранг, сунбўл соч, оҳу кўз, ой юзли, ахлоқи ҳамда ва одоби писандида соҳибидур... Умидим борки, бу қизча катта шоира бўлгуси».

Анбар отин Ўратепалик Зоҳидхўжа исмли кишига турмушга чиққан ва тўрт фарзанд кўрган.

Мани фарзандларим тўрт бўлдию, бас
Мўминхўжам эди андак ёмони.
Бибихон – роҳати жоним, анисим,
ғариблик, дардманлик дармони...
Ётиб қолдим, мураббим бўлди шу қиз,
Анинг бирла топиб жоним омони,
Усмонхўжа – ҳалиму қобилимдур,
Ўқитди устод Хайруллахони.
Мани дардимга қўшди минг аламлар
Вафот этган қизим ул Оминахони.

Кўриниб турибдики, Анбар отиннинг икки ўғли, икки қизи бўлган, қизларидан бири Оминахон шоира ҳаёт вақтидаёқ вафот этган.

Шоиранинг қачон вафот этгани ҳақида маълумот йўқ. Унинг «Фалсафайи сиёҳон» асари 1910 йилда ёзилган. Бошқа шеърларида ифода қилинган мазмунга қараганда, у биринчи жаҳон уруши даврида ҳаёт эди, ижод этарди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Шоира яшаган даврдаги ижтимоий муҳит ҳақида нималар биласиз?
- 1.2. Дилшод отин шоира хусусида қандай фикрлар билдирган?
- 1.3. Шоиранинг фарзандлари тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?

2- асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Анбар отин ижодининг шаклланиши, адабий мероси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва ижодидан намуналар таҳлил қилиш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Шоиранинг адабий мероси ҳақида маълумот беради.
- 1.2. Анбар отиннинг ҳажвий шеърларни изоҳлайди.
- 1.3. «Қоралар фалсафаси» асарини таҳлил қилади.

2– асосий масаланинг баёни:

Анбар отиндан кичик ҳажмдаги шеърларни ўз ичига олган девон етиб келган бўлиб, унда 90 га яқин ижод намуналари мавжуд.

Анбар отин ўтмиш адабиёти ва маданиятига ҳурмат билан қараган, ўтмишда яшаган ижодкорлардан ўрганишни таълим олишни лозим деб билган.

Агар устоди адабни изласанг, Анбар отин,
Сан Навоий таълимини доим мутолаа қил!

Шоира ўз шеърларида ҳаёт ҳақиқатларини куйлашга, ҳаракат қилади, халққа хизмат қилиш, халқ манфаати учун курашиш кераклиги ҳақида фикр юритади:

Одамда бўлса гар яхши тилак,
Халқ учун тебтартгуси доим билак.

Ёки:

Эл ғамидин ўзгароқ ўлмас бу хат,
Шунча қилсам бир йўли бўлмас ғалат.
Йўлларимда жару куҳ, киру қиёт,
Шул сабаб юрганда қилгум эҳтиёт.

Анбар отин шеъриятида ҳажвий йўналиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шоира жамиятдаги фирибгарлик, адолатсизлик ва унинг иллатларини кескин танқид қилади, ўз манфаати йўлида динни ниқоб қилиб олган шу йўл билан исломни ҳам бузиб кўрсатаётган кишиларни ҳажв остига олади:

Қўркутма, эй шайх, мазлумларни дўзах ўтидин,
Манга аёндур иблис макони, макруҳи зоҳид.
Назм айламакни гуноҳ дейсиз Анбарга доим,
Нечунки назмим тиғи кесадур фириби зоҳид.

Шоиранинг «Қоралар фалсафаси» асари фалсафий руҳга эга. Унда сиёсий-ижтимоий ва фалсафий масалалардан тортиб, адабий-ижодий масалалар устида баҳс очилади ва бу тўғридаги шоиранинг қарашлари баён қилинади.

«Қоралар фалсафаси» рисоласи кичик муқаддима ва тўрт фаслдан ташкил топади.

Биринчи фасл қора нарсалар – қора бахт, қора ният, қора тусли халқлар таъриф–тавсифига бағишланади. Шоира тушунчасида бу дунёни зулмат чодирига буркаб олгандир. қоронғилик босган бу борлиқда қаро бахт, қаро ният ва қаро фикр жавлон уради. қаро тунда қаро бахт ҳукмронлик қилгани шуки, меҳнаткаш халқ зулмга ва жабру жафога маҳкумдирлар.

Иккинчи фаслда – оналар, оналик шарофати ҳақида сўз боради. қаро фарқ эгаси бўлмиш бу зот табаррук ва мўътабардир. Шундай улуг зот қаро зулмат ҳукмронлик қилган шу замонда шараф–эътибор топмаган, хор. Уларга бўлган эътибор «чумолига бўлган эътиборидин ҳам камроқдир».

Учинчи фаслда бахти қаролик нима, деган масала баён қилинади. Ҳақиқий бахти қаролар шундай кишиларки, улар бойлик орттириш учун минг турли хийла-найранг ишлатадилар, қабих йўллarga кирадилар, меҳнат аҳли ҳисобига яшаб, улар лаънатига учраб умр ўтказадилар.

Тўринчи фасл асарда баён қилинган бутун фикрларнинг мантикий хулосаси бўлиб, ҳаётни қоплаб олган қаро зулмат тўғрисидаги мулоҳазалар, уни парчалаб ташлаш ҳақидаги ғоялар билан якунланади.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Шоиранинг ўтмиш адабиётига бўлган муносабати қандай эди?
- 2.2. Анбар отиннинг ҳажвий шеърларида қандай муаммолар кўтарилган?
- 2.3. Шоиранинг панд-насиҳат руҳида ёзилган шеърларига қандай баҳо берасиз?

Мавзу: XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт тушунча бериш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <p>1. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий–сиёсий, маданий, адабий ҳаёт ҳақида гапиради.</p> <p>2. Жадид тушунчаси, мазкур ҳаракат тарихи,</p>	Ўқитувчи	

	мақсад ва вазифалари ва Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракатининг шаклланишини изоҳлайди. 3. Жади́дчи́лик ҳаракатининг ўзбек адабиётига бўлган таъсирини баҳолайди.		
2-босқич	Асосий тушунчалар: Мустамлака сиёсатининг кучайиши, халқ озодлик ҳаракатлари, биринчи жаҳон уруши ва Туркистон, жади́дчи́лик ҳаракати, Туркистонда жади́дчи́ликнинг шаклланиши. Дарс шакли: маъруза. Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий ҳужум. Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдирот, ишланмалар.	Ўқитувчи	
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади.	Талаба	
4-босқич	Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар: 1. Нима учун XX аср бошларида Россиянинг мустамлакачилик сиёсати янада кучайди? 2. XX аср боши Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари тўғрисида нималар биласиз? 3. Мазкур давр адабиётида қанақа янги жанрлар шакллана бошлади? 4. Дастлаб жади́дчи́лик ҳаракати қаерда пайдо бўлган ва мазкур ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида нималар биласиз? 5. Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракати қачон шакллана бошлади ва унинг кенг миқёсда ёйилишида маҳаллий халқлардан кимлар фаол	Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқарилади. Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт
2. Жади́дчи́лик ҳаракати

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Мустамлака сиёсатининг кучайиши, халқ озодлик ҳаракатлари, биринчи жаҳон уруши ва Туркистон, жади́дчи́лик ҳаракати, Туркистонда жади́дчи́ликнинг шаклланиши

Мавзуга оид муаммолар:

1. 19-асрнинг иккинчи ярми ва 20-асрнинг дастлабки чорагида бўлиб ўтган халқ кўзғолонларини жадиличлик ҳаракатига боғлаб ўрганиш тўғрими? Муносабатингиз.
2. Агар жадиличлик ҳаракати юзага келмаганда мазкур давр адабиётидаги янгилинишлар рўй бермаган бўлармиди? Сизнинг муносабатингиз қанақа?

1 – асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий–сиёсий, маданий ва адабий ўзгаришлар тўғрисида талабаларга маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий–сиёсий ҳаёт ҳақида гапиради.
- 1.2. Мазкур давр маданий ҳаётидаги ўзгаришларни баҳолайди.
- 1.3. Адабий ҳаётга изоҳ беради.

1 – асосий масаланинг баёни:

XX аср бошларида Туркистон ижтимоий–сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Мустамлакачилик сиёсати янада кучайди. Туркистоннинг арзон ишчи кучидан фойдаланиш ва хомашёсини ўзлаштириш эвазига Россия жаҳон бозорига чиқиш ва тараққий этган мамлакатлар билан рақобатлашув ҳаракати ўлкада капиталистик муносабатларнинг жонланишига олиб келди. Бу жараёнга ерли халқ ичидан етишиб чиқаётган сармоядорларнинг фаоллашуви ўз таъсирини кўрсатган бўлса-да, иқтисодий турмушда, ишлаб чиқаришда, саноатда тараққиёт айтарли кўринмади. Чунки мустамлакачилик сиёсати Туркистонда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишидан манфаатдор эмас эди. Туркистон Россияга, асосан, хомашё хазинаси сифатида керак бўлиб, тайёр маҳсулот масаласида унга доим қарам бўлиб туриши лозим эди.

Россиядаги 1905 йилги инқилобий ҳаракатлар садоси Туркистонга ҳам етиб келди. Тошкент, Самарқанд, Қўқондаги завод-фабрикалар ва темир йўл ишчилари орасида иш ташлаш, митинглар бўлиб ўтди. Аҳоли ўртасида мустамлакачи амалдорлар ва маҳаллий бой мулкдорлардан ҳақ-ҳуқуқни талаб қилиш, оғир иш шароити, етишмовчиликлар, ноҳақликларга норозилик билдириш ҳоллари рўй берди.

Аср боши Туркистондаги сиёсий ҳаракатлар, даъватлар Россиядаги каби сиёсий тўнтарув эмас, балки ундан фарқли ўларок, мустамлака ва истибдоддан норозилик ҳамда миллий-озодлик ҳаракати тарзида намоён бўлди. Самарқанд атрофидаги Номоз каби халқ қасоскорларининг исёни миллий-озодлик ҳаракатининг ўзига хос кўриниши эди. Россиянинг 1914 йилдаги жаҳон урушига тортилиши Туркистон халқи бошига ҳам мусибатлар келтирди. Икки йил ичида ер солиғи хунармандлардан олинадиган солиқ деярли 2,5 баробар ошди, салкам 100 минг от, туя, қорамол текинга олинди. Халқнинг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган минглаб фарзандлари Николай подшонинг амри билан мардикорликка юборилиб, кўпдан кўп оилалар боқувсиз қолди.

Натижада жуда кўп жойларда ғалаёнлар, қўзғолонлар бўлди. Бу даврда Туркистонга Россия таъсирида илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, матбуот соҳасида қатор илғор замонавий янгиликлар (телефон, телеграф) ҳам кириб келди.

Октябрь тўнтаришига қадар ўлкада қатор рус-тузем мактаблари очилди. Чор ҳукумати буларда ерли халқ фарзандларини саводли-маълумотли қилишдан кўра, кўпроқ ўз фарзандларини ўқитишни кўзларди. Бундай мактабларда ўқиган туб жой аҳоли фарзандлари оз бўлиб, улардан ҳам Россия ўз манфаатлари йўлида фойдаланишини кўзлаган.

Шундай шароитда миллий уйғониш, ўзликни англаш, озодлик ҳаракатлари кучайди. Бу ҳаракат 1916 йилда авж пардасига кўтарилди. Самарқандда халқ ҳарбий губернатор уйи атрофида катта ғалаён кўтарди. Тошкентда Бешёғоч даҳаси аҳолиси эски шаҳар полиция бошқармаси идорасига ҳужум қилди. Тўйтепа, Пскент, Янгибозор деҳқонларнинг чор аскарлари билан тўқнашуви рўй берди. Натижада Чор ҳукумати 1916 йилнинг июлида Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилишга мажбур бўлди.

1917 йилдаги февраль инқилоби Туркистонда ҳам кучли акс садо берди. Халқ бу тўнтаришга катта умидлар боғлади, бироқ янглишди. Шунга қарамай, 1917 йил октябрь тўнтаришигача бўлган муддатда Туркистонда миллий уйғониш, ўзликни англаш, истиқлолга эришиш қонуний ва сиёсий уюшган бир қатор ҳаракатлар содир бўлди.

Масалан, «Шўрои уламо» ташкилоти Тошкентда 1917 йил октябрда бўлган курултойида «Туркистон мухторияти»ни таъсис этишга бир овоздан қарор қилди ва мустақиллик ғояларини илгари сурди. Шу курултой ҳужжатларида Туркистон ҳукумати ўз пулини чиқариши, ўз қўшинлари ва ўз милициясига эга бўлиши ҳуқуқларини қўлга киритиш зарурлиги ҳақида фикр юритилди. Шу давр адабиётига назар соладиган бўлсак, унда халқни маърифатга чорловчи, жадидчилик ғояларини илгари сурувчи асарлар билан бир қаторда диний йўналишдаги асарлар ҳам яратилди. Ватанпарварликка, миллий уйғонишга чорловчи илғор шоирлар билан бир қаторда анъанавий руҳда ўртамиёна шеър ёзувчи шоирлар ҳам оз эмас эди.

Анъанавий аруз вазни қаторига бармоқ вазни келиб қўшилди. Оғир замонадан ва чор истибдодидан норозилик руҳидаги фольклор намуналари ва халқ кўшиқлари кўпайди.

Саҳна асарлари пайдо бўлди. Халқ саҳнада ўз дарди, муаммолари, орзу-умидлари, идеаллари бадиий талқини билан юзма-юз учраша бошлади, бу ўзбек маданияти учун янгилик эди, адабий танқид жонланди. Давр адабиётида реалистик, романтик, сатирик йўналишлари пайдо бўлди. Замон, тузум, мустамлака сиёсатидан норозилик кучая бориб, ҳаётни ўзгартиришга чорловчи асарлар кўзга ташланди. Инқилобий адабиётнинг туғилиши шу даврга туғри келади.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Нима учун XX аср бошларида Россиянинг мустамлакачилик сиёсати янада кучайди?
- 1.2. XX аср боши Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари тўғрисида нималар биласиз?
- 1.3. Мазкур давр Туркистон маданий ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди?
- 1.4. Аср боши ўзбек шеърияти ҳақида нималар биласиз?
- 1.5. Мазкур давр адабиётида қанақа янги жанрлар шакллана бошлади?

2– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Жадидчилик ҳаракати тарихи ва мазкур ҳаракатнинг Туркистонга таъсири ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Жадид тушунчаси, мазкур ҳаракат тарихи, мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлайди.
- 2.2. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг шаклланишини изоҳлайди.
- 2.3. Мазкур ҳаракатнинг ўзбек адабиётига таъсирини баҳолайди.

2– асосий масаланинг баёни:

Жадидчилик ҳаракати нима, у нега Туркистонда пайдо бўлди, бу ҳаракатнинг моҳияти, тарихдаги ўрни қандай? Жадидчилик ҳаракати жаҳоншумул ҳаракат касб этганмиди?

Жавобни бу саволнинг охиригисидан бошлайлик: ҳа, жадидчилик маълум маънода жаҳоншумул аҳамият касб эта олганди. Бу фикрни исботлаш учун гапни умуман инсоният тарихининг ўзига хос тараққиёт йўлига қисқача бўлса-да, тўхташдан бошлаш жоиз.

Кишилиқ жамиятининг кўп асрлик тарихи хилма-хил ҳаракатларни, таълимотларни, сиёсий оқим ва фирқаларни вужудга келтирди. Бунинг асосий сабаби инсониятнинг адолатли, аъзоларининг тенглиги асосига қурилган, инсонпарвар жамият юзага келтириш учун тинимсиз изланиши бўлди. Жумладан, XIX асрда ғарб мамлакатларида бошқа таълимотлар қатори марксизм таълимоти ҳам юзага келиб, у инсониятнинг орзусини амалга оширишнинг илмий асосларни ишлаб чиқишга интилди. Бу таълимотнинг пойдевори этиб синфий кураш назарияси олинди. Бу таълимотнинг амалга ошиши ўзидан қонли из қолдирди. Оқибатда, у тарих сахнасидан суриб ташланди.

XIX аср Шарқ эса, ғарбдан фарқли ўлароқ тараққиётнинг куйроқ даражасига хос иллат ва зулмларга қарши курашиши керак эди. Феодал қолок Шарқни Ғарбдаги мустабидларга қарам бўлишига олиб келганидан миллий зулмдан қутилиш учун озодлик кураши асосий ҳодиса ҳисобланарди. Озодлик мустақиллик, эрққа феодал қолоқлик, жаҳолатдан қутилгандагина эришиш мумкин бўлади. Бунинг учун жамиятдаги мавжуд тузумни тубдан ислоҳ қилиш лозим бўлиб, буни амалга оширувчилар қотиб қолган дакки кучларга, яъни «қадим» (эски)ларга қарши турувчи «жадид» (янги)лар сифатида майдонга келдилар. Шу боис жадидлар Мисрда ҳам Туркияда ҳам Туркистонда ҳам сиёсий оқим сифатида пайдо бўлди. Тўғри, уларнинг шаклланганлик, тараққий топганлик даражаси бир хил эмасди. Чор Россияси томонидан босиб олинган ўлкалар ҳам XIX аср охирига келиб миллий-озодлик ҳаракатлари охир-оқибатда жадидларни тарих сахнасига чиқарди. Миллий истибдод занжирига тушган халқ ва элатлар қудратли империя чангалидан фақат бирлашиб ҳаракат қилгандагина қутилишлари мумкин эди. Бунинг учун, энг аввало, миллий онгни уйғотиш, миллатнинг ўзлигини англаб етишувига эришиши лозим эди. Ана шундай фикрга биринчилардан бўлиб кримлик Исмоилбий Гаспирали келганди. У туркий қавмлар, умуман мусулмонлар бирлашиб катта кучга айлангандагина Россия империяси чангалидан қутилиши мумкинлиги, бунинг учун асрий жаҳолатдан, феодал қолоқликдан қутилиб, дунёвий илмларни, замонавий фан

ва техникани эгаллаб, тараққий топган миллатлар даражасига кўтарилиш лозимлиги ғоясини илгари сурди. Шу боис ҳаракатни энг аввало инсоннинг дунёқарашини, савиясини шакллантирадиган таълим – тарбия тизимини ислоҳ этишдан бошлаш керак, деган қатъий қарорга келганди. Натижада, мусулмон оламида янги бўлган «усули савтия тадрижия»ни жорий этишга киришди ва кутилган натижаларга эришди. Бу усулни у Кавказдагина эмас, Туркистонда, Волга бўйида ҳам жорий этишга ташвиқ қилди. Мазкур ўлкаларда ҳам унинг тарафдорлари, издошлари юзага келди. Туркистонда Бехбудий, Мунаввар кори, Абдулқодир Шакурӣ, А.Авлоний ва бошқалар уларнинг ҳаммаслаклари эди. Марксистик таълимотдан фарқли ўлароқ, жадидчилик синфий мансубликка эмас, дунёқарашдаги муштаракликка, маслакдаги умумийликка қараб шаклланди. Шу боис ижтимоий келиб чиқишлари жиҳатидан улар турли табақа ва тоифаларга мансуб эдилар.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Дастлаб жадидчилик ҳаракати қаерда пайдо бўлган?
- 2.2. Мазкур ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида нималар биласиз?
- 2.3. Туркистонда жадидчилик ҳаракати қачон шакллана бошлади?
- 2.4. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг кенг миқёсда ёйилишида маҳаллий халқлардан кимлар фаол роль ўйнади?
- 2.5. «Усули савтия»нинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
- 2.6. Нима учун жадидлар ўз фаолиятини таълимни ислоҳ қилишдан бошлади?

Мавзу: Маҳмудхўжа Бехбудий

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Бехбудийнинг жадидчилик фаолияти ҳақида тушунча бериш, шунингдек, “Падаркуш” драмаси ва публицистикасида намуналар таҳлил қилиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бехбудийнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. 2. Драма жанрининг ўзбек адабиётидаги шаклланиш заминлари тўғрисида гапиради. 3. «Падаркуш» драмасини яратилиш тарихи ҳақида мулоҳаза билдиради ва драмада кўтарилган масалаларга баҳо бериб, қаҳрамонларига тавсиф беради. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар:</p> <p>Таълим олиши, жадидчилик фаолияти, педагогик фаолияти, Бехбудий ва миллий матбуот, Бехбудий ўзбек драматургиясининг асосчиси, публицистикаси</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб,</p>	Ўқитувчи	

	ақлий хужум. Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.		
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади.	Талаба	
4-босқич	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар: 1. Беҳбудийнинг оиласи ҳақида нималар биласиз? 2. Унинг чет элларга бўлган саёҳатлари нимаси билан ўзаро фарқ қилади? 3. Асар нима учун «Падаркуш» деб номланган? 4. «Падаркуш» драмасида жадидчилик ҳаракатининг таъсири мавжудми? 5. Лиза образи орқали қандай муаммолар кўтарилган?	Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқарилади. Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. Ҳаёти ва фаолияти
2. Беҳбудий – биринчи ўзбек драматурги

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Таълим олиши, жадидчилик фаолияти, педагогик фаолияти, Беҳбудий ва миллий матбуот, Беҳбудий ўзбек драматургиясининг асосчиси, публицистикаси

Мавзуга оид муаммолар:

1. Маълумки, Беҳбудий 20-аср ўзбек драматургияси тамал тошини қўйган новатор ижодкор. Унинг новаторлиги яна нималарда кўринади?
2. «Падаркуш» драмасида бош салбий қаҳрамонлар сифатида нима учун юқори табақа вакиллари олинган деб ўйлайсиз?

1 –асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Беҳбудийнинг ёшлиги, илм таҳсили, вояга етган оиласи ҳақида тушунча бериш ҳамда унинг ижтимоий–сиёсий фаолиятини баҳолаш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Беҳбудийнинг ёшлиги, илм олиши, оиласи тўғрисида сўзлайди.
- 1.2. Беҳбудийнинг чет эллардаги фаолиятини ўрганади.

1.3. Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига баҳо беради.

1 – асосий масаланинг баёни:

Маҳмудхўжа 1875 йили Самарқанд музофатида қарашли Бахшитепа қишлоғида имом оиласида туғилди. Ҳожи Муин ибн Шукурулло Маҳмудхўжанинг насл-насаби Аҳмад Яссавийга бориб туташини эслатади. Маҳмудхўжа ибн Бехбудхўжа ибн Солиххўжа ибн Ниёзхўжа Бехбудийнинг ота-боболари илми арабия ва диниядан яхши хабардор кишилар бўлиб, қорилик, имомлик ва хатиблик қилганлар. Тоғалари Муҳаммад Сиддиқ ва Мулла Одил ўз даврининг ўқимишли илғор зиёлиларидан бўлиб, Маҳмудхўжа тақдирида катта ўрин тутдилар. Ўткир зеҳнли Маҳмудхўжа катта тоғаси Чашмаоб бўлисининг қозиси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида 6 ёшида саводини чиқарди, кейин кичик тоғаси муфти Мулла Одилдан араб тили, диний илмлар ва математикани ўрганди. У қуръонни тўла ёд олди, қорилик ҳам қилди.

Маҳмудхўжа 20 ёшга тўлганида отаси вафот этади. У тоғаси Муҳаммад Сиддиққа мирзоликка ишга киради. қозихонадаги икки йиллик хизмат унинг учун катта мактаб бўлди. Муфтиликка доир илм, қонун-қоидаларни ўрганди. Тоғаси қозиликдан кетгач, Кабуд бўлисининг қозиси кўлида мирзолик қилади. Маҳмудхўжа фикҳни, шариат илмини шу қадар чуқур ва пухта ўрганадики, бир оғиздан ўз даврининг энг кучли, пешқадам муфтиси, деб тан олинади. Кабур бўлиси қозихонасида бир неча ой ишлагач, муфтиликка кўтарилади. Бу ерда узоқ йиллар давомида (1916 йилгача) ишлаб, ҳақиқат, адолатни ҳимоя қилади.

Бехбудий Макка, Қоҳира, Истамбулда (1900), кейинчалик Петербург, Москва, қозон, Оренбург, Бокчасарой каби шаҳарларга сафар қилгач (1903 -1904), дунёқараши янада кенгайди, сиёсий, маданий ҳаётдаги, техника соҳасидаги тараққиёт омилини илмда, маориф ва маданиятида, деб билди. Иккинчи бор саёҳатга чиққанда (1914) Туркиядаги техника бобидаги янгиликларни ҳавас билан таърифлайди, Туркистон халқининг ҳаётидаги қолоқликни афсус ва изтироб билан танқид қилади.

Бехбудий чет элларда бўлганида айниқса мактаб-маориф, таълим-тарбия ишлари, газета-журналлар ва нашриёт масалалари билан астойдил шуғулланади, қизиқади. Айниқса, Исмоилбек Гаспиралининг унга таъсири катта бўлди. Бехбудий Туркистонда жадидчилик ғояларини дастлабкилардан бўлиб тарғиб этди. У Исмоилбек Гаспиралини уйда меҳмон қилган эди. Кейин 1914 йили ҳажга бораётганида Истамбулда у билан узоқ суҳбатлашади. Исмоилбек бу пайтда Петрограддан шамоллаб келган, ўпкаси касалланган ва ўзи ориқлаб кетган экан. Улар мактаб, маориф ҳақида, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Фарғонадаги аҳвол тўғрисидаги суҳбатлашадилар.

Бехбудий масалақдошларидан Абдуқодир Шакурий учун ўз уйидан мактаб очиб беради, барча моддий жиҳатларини ҳам ўз зиммасига олади, жўғрофия, тарих, дин тарихи, ҳисобдан дарс ўтади. Болаларни текинга ўқитиб, дарслик ва қўлланмалар ёзиб, нашр қилади ҳамда уларни болаларга текинга тарқатади, Туркистоннинг, Бухоро ва Хиванинг харитасини тузади.

Бехбудий ислом ақидаларини қаттиқ ҳурмат қилгани ҳолда, дунёвий фанларсиз миллатнинг тараққий этиши ва камол топиши мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлайди. «Эҳтиёжи миллат» мақоласида (1913) очикдан-очик дедик, «Бошқа миллатларга қаралса, кўра олурга мунтазам мактаблари бор ва ул мактабларда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёга

турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илм-фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга паймол бўлур». Бу ғоят тўғри ва доно фикрлардир.

Бехбудий замона талаби бўйича зиёли тўрт тилни билиши шартлигини ҳам айтади: « ... бугун бизларга тўрт тилни таҳлил ва таҳрир этувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий» («Омилимиз ёинки муродимиз», 1913).

Маҳмудхўжа Бехбудий 1913 йили нашр этган «Самарқанд» газетаси (44 сони чиқарилиб тўхтаган) ва «Ойина» журнали (1913) Туркистонда ижтимоий фикрнинг тараққиётида жуда катта аҳамиятга молик бўлди.

Бехбудийнинг ўзи араб, форс тилларини яхши билган, рус тилини тушунган, гаплаша олмаган. «Ойина»ни тўрт тилда – туркий, форсий, араб ва рус тилларида чиқармоқчи бўлган. «Икки эмас, тўрт тил лозим» (1913) мақоласида лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур. «Арабий билмасанг дин, русча билмасанг, дунё кўлдан кетар», дейди.

Бехбудийнинг қизиқиш ва билим доираси шу қадар кенг эдики, у Туркистоннинг ҳамма жиҳатига – сиёсий ва ижтимоий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳолати, бугуни ва эртасига ғоят қизиқиб қарайди, ўзини шу халқ, шу юртнинг тақдирига жавобгар шахслардан бири деб ҳис қилади.

Бехбудий сиёсат билан ҳам фаол шуғулланади. Масалан, давлат думасига сайлов масаласига ҳам аралашади.

Бехбудий на социалист ва на коммунист. Унинг дунёқараши кадетларга яқин эди.

Ўзбек миллий адабиёти ҳам Бехбудий ила бошланиб, янги бир йўлга кира бошлади. Бехбудий энг аввало Туркистонни чор ҳукумати қўлидан кутқариш ғоясини элга тарғиб қилувчилардан, аҳолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли йўллар ила халқни истикбол курашига чақирганлардандир. Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга – маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Бехбудий турганини кўрамиз.

У вазият тақозоси билан шўро ҳукумати идораларида ишлаб, ўзининг эзгу ниятларини амалга оширишга интилди. 1918 йилда Самарқандда «Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси» тузилди ва Бехбудий шу шўронинг маориф комиссари этиб тайинланди. Аммо кўп ўтмай, Бухоро амири Олимхоннинг одамлари 1919 йил 25 мартда қаршида Бехбудий ва унинг дўстлари - Мардонқул Шомухаммад ўғли ва Муҳаммадқул Ўринбой ўғлини тутиб олишиб, зиндонга ташлайдилар ва қатл этадилар.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Бехбудийнинг оиласи ҳақида нималар биласиз?
- 1.2. Бехбудий дунёқаришининг ўзгаришига нималар сабаб бўлди?
- 1.3. Унинг чет элларга бўлган саёҳатлари нимаси билан ўзаро фарқ қилади?
- 1.4.** Бехбудийнинг Исмоилбек Гаспирли билан муносабати ҳақидаги мулоҳазаларингиз?

2– асосий масала бўйича дарс мақсади:

Ўзбек адабиётида драма жанрининг шаклланиши хусусида мулоҳаза юритиб, «Падаркуш» драмасини таҳлил қилиш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Драма жанрининг ўзбек адабиётидаги шаклланиш заминлари тўғрисида гапирди.
- 2.2. «Падаркуш» драмасининг яратилиш тарихи ҳақида мулоҳаза билдиради.
- 2.3. Драмада кўтарилган масалаларга баҳо бериб, қаҳрамонларига тавсиф беради.

2– асосий масаланинг баёни:

Беҳбудий – илк ўзбек театр назариячиси ва биринчи амалиётчиси. Унинг «Падаркуш» асари, ўзи айтганидек, қайғулик пардада ёзилган.

«Падаркуш» 1912 йили «Турон» газетасида эълон қилинди. Асар 1913 йили Самарқандда Б.Газаров ва К.Саянов босмахонасида алоҳида китоб ҳолида босилди.

Асарда ўша давр Туркистон халқи учун энг долзарб масала – маърифатли бўлиш, ёшларни ўқитиш масаласи кўтарилган эди.

Пьеса Беҳбудийнинг юрагидаги дардни, орзу-армонини, идеалини юзага чиқара олган. Зеро, пьесадаги Зиёли кўп жихатдан Беҳбудийнинг ўзига ўхшаб кетади. Зиёли фақат замонанинг илғор илм-хунарини мукаммал эгаллаш орқали бахтсизликдан қутулиш ва миллий мустақилликка эришиш мумкин, деб билади, ҳамма нарсани тараққий қилган Оврупо мезони билан ўлчади.

Асарда Беҳбудий чоризм истибдодига ишоралар қилади ва жаҳолат, ахлоқсизлик, қотиллик иллатининг илдизини Россияга олиб бориб тақайди.

Драматург Тошмурод, Нор, Тангрикул, Давлат, Артун ва Лиза тақдирида Туркистонга кириб келган иллатларни кўрсатиб, халқни огоҳ бўлишга, уйғонишга, кўзини очишга ва инқирознинг олдини олишга даъват этади.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Асар нима учун «Падаркуш» деб номланган?
- 2.2. Драманинг яратилиши ҳақида нималар биласиз?
- 2.3. «Падаркуш»да жадидчилик ҳаракатининг таъсири мавжудми?
- 2.4. Лиза образи орқали қандай муаммолар кўтарилган?

Мавзу: Абдулла Авлоний

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	Дарс мақсади: Абдулла Авлонийнинг адабий мероси ҳақида тушунча бериш, шунингдек, ижодидан намуналар таҳлил қилиш. Идентив ўқув мақсадлари: 1. А.Авлонийнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. 2. Адибнинг драмаларини таҳлил қилади. 1. Авлоний публицистикасига баҳо беради.	Ўқитувчи	
2-босқич	Асосий тушунчалар:		

	Таълим олиши, жадидчилик фаолияти, педагогик фаолияти, Беҳбудий ва миллий матбуот, Беҳбудий ўзбек драматургиясининг асосчиси, публицистикаси. Дарс шакли: маъруза. Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий ҳужум. Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдирот, ишланмалар.	Ўқитувчи	
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади.	Талаба	
4-босқич	Мустақкамлаш ва баҳолаш учун саволлар: 1. Шоирнинг педагогик фаолиятига қандай баҳо берасиз? 2. Авлоний шеъриятидаги етакчи ғоялар нимадан иборат? 3. Авлоний драмалари учун хос бўлган умумий хусусият нималардан иборат? 4. Нима учун драма «Адвокатлик осонми?» деб аталади? 5. «Ким нимани яхши кўрар» мақоласида қандай масалалар кўтарилган? 6. «Маданият тўлқинлари» мақоласини қандай баҳолайсиз?	Ўқитувчи-Талаба Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқарилади. Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

2. Ҳаёт йўли ва шеърияти
3. Драматургия ва публицистикаси

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Илм таҳсили ва тирикчилик ташвишлари, педагогик фаолияти, ижтимоий фаолияти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, шеърияти, драматургияси, публицистикаси

Мавзуга оид муаммолар:

1. Абдулла Авлонийни нима учун болалар шоири сифатида эътироф этамиз? Аслида ушбу шеърятнинг асл моҳиятини изоҳлай оласизми?
2. Авлоний драмаларини нима сабабдан юқори савиядаги асарлар дея олмаймиз? Сизнингча, адибнинг камчилиги нималарда кўринади?

1 – асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Авлонийнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисида маълумот бериш ҳамда шеърларини таҳлил қилиш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Авлонийнинг таржимаи ҳолини сўзлаб беради.
- 1.2. Авлонийнинг педагогик фаолиятини баҳолайди.
- 1.3. Шоир шеърларини таҳлил қилади.

1- асосий масаланинг баёни:

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласида тўқувчи оиласида туғилди. Отаси Миравлон асли қўқонлик бўлиб, бўзчилик билан шуғулланган. Абдулла 1885 йили Ўқчидаги эски мактабга кириб, хат-саводини чиқарган, 1890 йили эса шу маҳалладаги мадрасада таҳсил кўра бошлаган. Лекин оилавий шароит тақозоси билан Абдулла 1891 йилдан бошлаб фақат қиш кунлари ўқиб, бошқа фаслларда мардикорлик билан шуғулланган. Отаси вафотидан кейин, 22 ёшида оилага бошлиқ бўлиб қолган.

Авлоний 1894 йилдан бошлаб шеър ёзишга тутинди. XX асрнинг бошларидан Оренбург, Қозон ва Тифлисида чоп этилган газета ва журналларни ўқишга киришди. 1904 йилда эса жадид тўдасига аъзо бўлиб кирди ва Тошкентдаги дастлабки «усули савтия» мактабини очган Саидрасул Азизийдан ўрнак олиб, Мирободда шундай мактабни ташкил этди.

У 1907 йилдан бошлаб, ўзида матбуот ишларига рағбат сезиб, «Шухрат» газетасини чиқарди. Авлоний 1909 йили «Жамияти хайрия» очиб, унга раислик қилди, 1913 йили эса «театр ишларига берилиб», «Турон» театр тўдасини тузди. Авлоний бу тўда томонидан сахналаштирилган спектакллар билан 1914-1916 йиллари Фарғона водийсида ижодий сафарда бўлди. Айни вақтда у «Нашриёт» ширкатини ташкил этиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» китоб дўконини очди.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Авлонийнинг ижтимоий фаолияти янада қизгин тус олди, ўқитувчилар уюшмасини тузиб, «Турон» газетасини чиқара бошлади. Авлоний «Иштирокиюн» газетасининг ташкилотчиларидан ва илк муҳаррирларидан бири бўлди, 1918 йилда эски шаҳар ижроия қўмитасининг раиси, 1919–1920 йилларда Афғонистондаги совет элчихонасида бош консул, 1920-1924 йилларда Туркбюро ва Марказий қўмитанинг йўлланмаси билан турли масъул лавозимларда хизмат қилди; 1924 – 1929 йилларда Ленин номидаги ҳарбий мактабда, 1925–1934 йилларда эса Ўрта Осиё коммунистик университети ва бошқа олий ўқув юртларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланди. Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда Тошкентда вафот этган.

Авлонийнинг ижодий илмий фаолияти мураккаб ва зиддиятлидир. Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг вакили сифатида адабиётга кириб келган ёзувчи кейинчалик ижодий ҳаммаслаклари сафини тарк этиб, ўз ҳаётини коммунистик партия ва совет давлатига хизмат қилишга сарфлади. Шунга қарамай, унинг ижодий ва маърифатпарварлик фаолияти катта аҳамиятга моликдир.

Авлонийнинг адабий мероси уч қисмдан – шеърлар, драмалар ҳамда ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган асарлардан иборат.

Авлоний гарчанд 1884 йилдан шеърият соҳасида қалам тебрата бошлаган бўлса ҳам, унинг бу даврга оид машқлари бизгача етиб келмаган. Шоирнинг 1917 йилга қадар ёзган шеърий асарлари «Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар» номли олти қисмдан иборат тўпламларидан ўрин олган (Бу тўпламлар 1909-1917 йиллар оралиғида алоҳида-алоҳида китобчалар шаклида босилган). Авлоний бу шеърларида даврининг муҳим ижтимоий масалаларини кўтарган, халқ оммаси ўртасида тарқалган гиёҳвандлик, қиморбозлик каби иллатларни фош этиб, уни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш ва маърифат чашмаларидан баҳраманд этишни орзу қилган.

Авлоний «Аҳволи оламдан бир намуна» шеърида ўша даврдаги ижтимоий-маиший ҳаёт лавҳаларини чизиб, чунончи, бундай ёзган:

Бало тоши ёғилди бошимизга хоби ғафлатдан,
Мижоз суст ўлиб авлод, миллат тушду қувватдан.
Билимсизлик тушурди, йиқди бизни қадру қимматдан,
Жаҳолат қувди бизни хонумону молу сарватдан...

Унинг маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган шеърлари айти пайтда ўзида шоирнинг миллий–озодлик тароналари маърифатпарварлик ғоялари билан туташган ҳолда яшайди. Шоирнинг «Миллат ҳайкалига хитоб» шеъри бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Шеър куйидаги анъанавий сатрлар билан бошланади:

Тур, эй миллат, уйқудан ҳасратлашайлик,
Илм уйига кирмоққа суҳбатлашайлик.
Ётма, миллат, ухлама бедорлашайлик,
Миллий ишлар ишларга бел боғлашайлик.

Абдулла Авлонийнинг адабий-ижтимоий фаолиятида мактаб ва маориф ишлари ғоят катта ўринни эгаллади. Ўзининг педагогика соҳасида изланишларини 1904 йили Мирободда «усули савтия» мактабини очишдан бошлаган Авлоний 1912 – 1917 йиллар мобайнида шу типдаги мактаблар учун «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» сингари дарсликларни бир неча маротаба қайта нашр этди. «Биринчи муаллим» «аввалги синф шогирдлари»га мўлжалланган дарслик бўлиб, муаллиф биринчи қисмда ўқитувчини алифбо тартибидаги араб ҳарфлари ва уларнинг ёзилиши билан таништиради, иккинчи асосий қисмда ўқитувчини яхшилик билан ёмонликни фарқлашга ўргатувчи дидактик ҳикоялар берилган.

«Иккинчи муаллим» - юқоридаги дарсликнинг давоми «Алифбодан сўнг ўқитмоқ учун» ёзилган бу дарслик ахлоқий ҳикоялар ва ибратли шеърлардан ташкил топган. «Мактаб гулистони» ва «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарлари «усули савтия» мактабларининг юқори синфлари учун мўлжалланган бўлиб, ифодали ва изоҳли ўқишда дарслик – мажмуа вазифасини ўтаган.

«Мактаб гулистон»ида ўқувчига тақдим этилган матнлар ифодали ўқишнинг турли шаклларига мослаб берилган.

«Туркий гулистон» ахлоқ муаммолари, мезонлари ва турлари муайян тасниф асосида ўзбек тилида илк бор баён қилинган рисола бўлиб, унда муаллифнинг маърифатпарварлик қарашлари изчил бир тизим шаклини олган.

Авлоний ўзбек жадид адабиётидаги маърифатпарварлик ғояларини шоир ва драматург сифатидагина эмас, балки педагог сифатида ҳам кенг халқ оммасига

олиб киради. Шу маънода у жаид биродаларининг халкни маърифатлаштириш дастурига амалий ишлар билан ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Шоирнинг педагогик фаолиятига қандай баҳо берасиз?
- 1.2. Шеърларидаги етакчи ғоялар нимадан иборат?

2– асосий масала бўйича дарсинг мақсади:

Авлоний драмаларини таҳлил қилиш ва публицистикаси ҳақида талабаларда тасаввур уйғотиш

Идентификатор мақсадлари:

- 2.1. Адибнинг драмалари ҳақида умумий маълумот беради.
- 2.2. «Пинак», «Биз ва сиз» драмаларини таҳлил қилади.
- 2.3. Авлоний публицистикасига баҳо беради.

2– асосий масаланинг баёни:

Юқорида айтиб ўтилгандек, Авлоний 1913 йилдаёқ биринчи ўзбек теарт тўдаси «Туркистон» («Турон»)га солди. Ўзи «Туркистон» тўдаси учун «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Икки севги», «Биз ва сиз», «Португалия инқилоби» сингари пьесалар ёзди. Озарбайжон ва татар драматургларининг «қотили карима», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Хиёнаткор оила», «Бадбахт келин», «Хур-хур», «Жаҳолат», «Ўликлар» сингари асарларини ўзбек тилига таржима қилди. «Адвокатлик осонми?» асарида Авлоний фақат олий маълумотли ҳуқуқшуносларгина эмас, балки 10-йиллардаги Туркистонда умуман эпақали қонунларнинг, ҳуқуқий муносабатларининг йўқлиги, халқнинг ҳуқуқ масалаларида саводи камлигидан кулган.

Бир пардали «Пинак» (1915) номли кулги ҳам Туркистон халқлари турмушидан олинган. Авлоний кўкнори ва қиморбозлар устидан енгил кулгу уйғотиш ниятида Турсун ва Фўлод исмли ёши олтмишни қоралаган икки кишининг кайфдаги ҳолатларини тасвирлайди.

Авлоний драматург сифатида ўз даври учун муайян аҳамиятга эга бўлган асарлар муаллифидир. Унинг сахна, шунингдек, шеърӣ асарларини бадий баркамол деб бўлмайди. Жаид адабиётининг вазифаси жамиятнинг ўша йилларидан ҳолати, кишиларнинг ўша йиллардаги руҳиятини ва хатти-ҳаракатларида ижобий ўзгариш ясаш, халқ ва жамиятни маданий тараққиёт босқичига олиб чиқиш эди. Авлонийнинг сахна асарлари ҳам ана шу қутлуғ ишга хизмат қилган.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Авлоний драмалари учун хос бўлган умумий хусусият нималардан иборат?
- 2.2. Нима учун драма «Адвокатлик осонми?» деб аталади?
- 2.3. «Пинак» драмасида қандай муаммолар кўтарилган?
- 2.4. «Ким нимани яхши кўрар» мақоласида қандай масалалар кўтарилган?
- 2.5. «Маданият тўлқинлари» мақоласини қандай баҳолайсиз?

Мавзу: Сидқий Хондайлиқий

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Сидқий Хондайлиқийнинг адабий мероси ҳақида тушунча бериш, шунингдек, ижодидан намуналар таҳлил қилиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сидқий Хондайлиқийнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. 2. Шоирнинг лирикасига баҳо беради. 3. Сидқийнинг таржималари ва насрий асарларини таҳлил қилади. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар:</p> <p>Илм ва турли касб-ҳунар ўрганиши, анъанавий ишқий шеърлари, ижтимоий лирикаси, «Русия инқилоби» ўзбек адабиётидаги биринчи йирик эпик асар эканлиги, таълимий-ахлоқий ҳикоялари, шеърий-воқеий ҳикоялари, таржималари.</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p> <p>Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий хужум.</p> <p>Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.</p>	Ўқитувчи	
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <p>Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.</p> <p>Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади.</p>	Талаба	
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Муҳаббат мавзусидаги шеърлар шоир ижодида қандай ўрин тутади? 2. Сидқийнинг ҳажвий шеърларида қандай муаммолар кўтарилган? 3. Сидқий ижодида насрий асарлар қандай ўрин тутади? 4. «Зарулмасали Сидқий»нинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида нималар дейиш мумкин? 	Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқарилади.</p> <p>Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.</p>	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. Шоирнинг ҳаёт йўли
2. Сидқийнинг адабий мероси

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари:

Илм ва турли касб-хунар ўрганиши, анъанавий ишқий шеърлари, ижтимоий лирикаси, «Русия инқилоби» ўзбек адабиётидаги биринчи йирик эпик асар эканлиги, таълимий-ахлоқий ҳикоялари, шеърий-воқеий ҳикоялари, таржималари

Мавзуга оид муаммолар:

1. Маълумки, Сидқий Хондайликий ўзбек мардикорлик адабиётининг ҳам етакчи вакилларида бири ҳисобланади. Нима учун у бу қадар кенг қиррали ижодкор бўлган деб ўйлайсиз?

2. Сидқий Хондайликий ҳаётда жуда кўп хунар эгаси сифатида машҳур. Шоир истеъдодининг омили нималарда деб ўйлайсиз?

1- асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Сидқийнинг оиласи, илм ўрганиши ва ижодининг шаклланиши тўғрисида тушунча бериш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Сидқий туғилган оила ва унинг илм ўрганиши ҳақида сўзлаб беради.
- 1.2. Унинг турли касб-хунар эгаллашга бўлган интилишига изоҳ беради.
- 1.3. Шоир табиатидаги тиксўзлик, ҳақталабликнинг ижодига бўлган таъсирга баҳо беради.

1 – асосий масаланинг баёни:

Сирожиддин Сидқий 1884 йил Тошкент яқинидаги Хондақлик қишлоғида туғилди. Отаси Мирзоҳидохун ўқимишли кишилардан бўлган. Шоир ўз отасининг «камдастроқ», «бечораҳолроқ» бўлганлигидан хабар беради.

Олти–етти ёшларида Сирожиддиннинг саводи чиқади. Хати равон бўлиб, қисқа муддатда шериклари орасидан кўзга ташланиб қолади. 1909 йилда Тошкентга келиб, Кесакқўрғон маҳалласидаги Мардрасаи Раҳматуллоҳда Шомухиддин оҳунд қўлида араб тили сарф (морфология) у нахв (синтаксис)ини ўрганади. Ҳаттотликка муҳаббат қўйиб, замонасининг машҳур котиби Муҳаммад Шохмуродга шогирд тушади. Сўнгра Фарғона водийсига бориб, Мирзо Ҳошим Хўжандийдан сулс, таълиқ руқъа, ёқутий, убайдий, лоҳурий каби хатларни ўрганади. Айни пайтда шеър машқ қила бошлайди. Таржима билан шуғулланади. Мўминжон Муҳаммаджоновнинг маълум қилишича, Сидқий «Кўкалдош» мадрасасида Мискин ва Хислатлар билан бир вақтда ўқиган. Сўнг Сидқий «Бекларбеги»да таҳсил олган. Сидқий ўз таржимаи ҳолида Хислатнинг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олади, ундан шеър илмини ўрганганини айтади. Сидқийнинг шоир сифатида шаклланишида Каримбек Камийнинг хизмати катта бўлди.

Сидқийнинг илк шеърлари муҳаббат мавзусида ёзилган ва буларни (2 шеър китоби) у «Шавкат» таҳаллуси билан ёзди. 1913 йилда «Тухфаи Шавкат», 1914 йилда эса «Савғоти Шавкат» китобларини нашр эттирди. Шоир бир қатор шеърларига «Шеван» (нола, фиғон) таҳаллусини ҳам қўллаган. Лекин кейинчалик барча асарларини Сидқий таҳаллуси билан чоп этди. Ҳатто эски ғазалларини ҳам

тахрир қилиб, «Сидқий»га ўзгартирган, девонининг номини «Девони Сидқий» атаган эди.

Шоирнинг ўзи табиатан меҳнаткаш, ҳунар ва касб ўрганишга мойил ва моҳир бир киши эди. У хушхатликдан ташқари тош йўниб, унга турли ишлов бериш, хат ёзиш, турли безаклар тушириш, суратлар ишлаш, муҳр «қазиш»ни ўрнига қўйган. У ҳуштак яшаш, қуш овлаш, парвариш қилишга ҳам уста бўлган. Асалари боққан.

Адабиётга ошиқона шеърлар билан кириб келган шоир ўз ҳаёти давомида жанри, мазмун йўналиши, мақсад-моҳиятига кўра хилма-хил асарлар ёзди. У бадий ижодга бадий лаззатгина оладиган бир гўзаллик тимсоли деб қарамади. Уни ҳаёт ва кураш учун восита ҳам деб билди. Шунинг учун ҳажвиёт шоир ижодидан кенг ўрин олди.

Сидқий табиатан тиксўз, ҳозиржавоб, ҳақталаб, адолатсизлик билан ҳеч бир чиқиша олмайдиган, айниқса, текинхўрлик, тамаъгирлик ва порахўрликни инсонликка буюк офат билувчи ғоят покиза виждон эгаси эди. У бунинг жабрини ҳам кўп кўрди.

Чунончи, унинг Ўнқўрғон қозиси ҳақида бир воқеий ҳикояси бор. Бу шеърӣ ҳикоя эълон қилинган, шоирнинг боши балoга қолади ва 2 йил Фарғонада қочиб юришга мажбур бўлади.

Дарҳақиқат шоирнинг «Юз минг осафки, чарх мани қилди беватан» деб бошланадиган мусаддаси ватандан айрилган пайтдаги юзага келган ижод намуналаридан биридир.

Бу ҳол шўролар замонида янада кучайди. Инқилобдан олдин тинимсиз ижод қилгани, ўнлаб шеърӣ, насрий асарлар, ҳажвиялар, таржима ёзиб нашр эттиргани ҳолда совет даврида дурустроқ бир асар ёзмаганлигини шоир қуйидагича изоҳлайди:

«Барчага машҳурдирки, ҳар бир мол харидор бирла ривож топадиги каби сўз ҳам харидор кўпруги бирлан ва талабгор жўшиши илан тараққӣй этар. Сўз харидори ўлмағондурки, ҳозирги асримизда қадимги шоирларимизнинг амсолини кўрмайдурмиз.

Бечора Сидқийнинг оз шеър айтмоғига боис сўз харидорининг йўқлигидир».

Шоирнинг оилавий аҳволи роҳатда кечган эмас. Ўғиллари Фатҳулқарим ва Омонуллоларнинг кетма-кет вафоти Сидқийнинг қаддини тамом бўқиб қўйди. Сидқий 1934 йили ўз туғилиб ўсган қишлоғида вафот этди.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Сидқий яшаган оила ва унинг илм ўрганиши тўғрисида нималар биласиз?
- 1.2. Шоир қайси касб – ҳунарларни мукаммал эгаллаган?
- 1.3. Шоирнинг табиати (характери)га қандай баҳо бериш мумкин?
- 1.4. Нима учун шоир 2 йил Фарғонада қочиб юришга мажбур бўлди?

2– асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Шоирнинг адабий мероси билан талабаларни таништириш ва ижодидан намуналар таҳлил қилиш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Шоирнинг ишқӣй лирикаси хусусида гапиради.

- 2.2. Сидқийнинг ижтимоий лирикасини таҳлил қилади.
- 2.3. Сидқийнинг таржималари ва насрий–асарларига баҳо беради.

2– асосий масаланинг баёни:

Шоирнинг лирик шеърлари шуни кўрсатадики, у мумтоз адабиётимиздаги ҳаётий, инсоний муҳаббат, одамийлик сингари энг яхши анъаналарини давом эттиради. У буюк Навоийга алоҳида ихлос ва муҳаббат билан қарайди. Лекин XX асрнинг шоири бўлганлигидан унга демократик руҳ, маърифатпарварлик қарашлари ҳар нарсадан яқин туради. Бу ҳол уни Муқимий ва Фурқат изидан боришга ундайди.

Шоир поэтик меросининг салмоқли қисмини ҳажвиёт ва ижтимоий-сиёсий шеърлар ташкил қилади. Ҳажвий асарларининг аксарияти воқеий ва деярли ҳаммаси порахўр қозилар, таъмагир амалдорлар, риёкор руҳонийлар ҳақида, ижтимоий-сиёсий шеърлари эса даврнинг муҳим воқеаларига бағишланган. Масалан, «Муҳораба» шеъри биринчи жаҳон уруши ҳақида Мардикорлик воқеаларига бағишлаб «Рабо(т)чилар намоиши» (1917) асарини яратди. Феврал инқилобидан кейин мардикорлар ўз юртларига қайта бошладилар. Сидқий «Рабо(т)чилар келиши» асарини шу воқеага бағишлади.

Мардикорлик воқеалари мавзуси Сидқийнинг «Русия инқилоби» достонида махсус боб билан давом этган. У инқилобий воқеаларни кенг эпик планда тасвир этувчи дастлабки асар. Достон ҳажми 1502 сатрни ташкил қилади. Шундан 72 сатри форс-тожик тилида, қолган матни (1430 сатр) ўзбек тилида ёзилган. Достон муқаддима ва хулосадан ташқари 13 бобдан ташкил топган.

Февралдаги инқилобий воқеалар тасвири, асосан, биринчи бобда берилган. Воқеалар асарда кунма-кун берилади. 23 февралдаги ҳалойикнинг «можаро»сини Сидқий мамлакатни ларзага келтирган очлик вайронагарчилиқдан деб билади.

«Мақбул қурбонлар» бобида шоир Россия озодлик кураши тарихига назар ташлайди ва рус инқилобий тарихи саҳифаларини 1772 йилдаги Пугачёв кўзғолонидан бошлайди. Шоир инқилобнинг сабабларини мустамлакалардаги миллий зулм билан боғлайди ва 1916 йилдаги Туркистон воқеаларини мисол қилиб келтиради. Муаллиф фикрича, Туркистондаги кўзғалишларга асосий сабаб – ноҳақлик ва зулмнинг кучайиши бўлди. Худди шундай шароитда подшоҳ ўлка аҳлини мардикорликка олиш ҳақида фармон берди. Аввало, шоир мардикорликка олишнинг ўзини «На бор эрди фармон аро муҳлати, на бор эрди анда ҳақи-хикмати», дея ғайри қонунийлик деб билади. Сидқий чор ҳукуматининг ҳалокатини ижтимоий асослардан келиб чиқиб кўрсатишга ҳаракат қилади.

Сидқий араб ва форс тилларини яхши билаганлиги сабабли таржима билан ҳам жиддий шуғулланган. Масалан, у машҳур «Минг бир кеча»ни, Саъдийнинг, «Бўстон»ини, «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва Маликаи Гуландом», «Ажойиб ул – маҳлуқот», «Ўғри ва қози» каби бир қатор насрий асарларни таржима қилди.

Унинг таржималари орасида эълон қилинмаганлари ҳам кўп. «Ҳолати Сидқий»да оғир инқилоб йилларида саҳобаларнинг жанглари ҳақида ёзилган бир китобини «Шавкат ус салом таржимаи «Футуҳ ал-Шом» номи билан таржима қилганини ёзган эди.

Сидқий «Тазкираи Имоми Абзам», «Сад иршоди мулла Сидқий Хондайлиқий», «Мезони шариат», «Зарбулмасали Сидқий» номли насрий асарлар ҳам ёзди.

Адиб насрий меросининг салмоқли қисмини диний–ахлоқий асарлар ташкил қилади. «Тарихи Имоми Абзам» асари худди шундай мавзуда яратилгандир. Асар

Имоми Абзам қиссасидан ташқари «қиёматнома», «Розномаи Мусо алайҳиссалом», «Меърожнома», «Васиятнома», «Одоб ул муслимин», «Еру кўк халқ бўлғони», «Хотун олмоқлик фазилати» ва ҳоказо қисмлардан иборат.

«Мезони шариат » («Шароит тарозуси») асари 1915 йилда чоп этилган. Сидкий шариат мезонларини оммабоп қилиб берди, қулай дастур шаклига келтирди.

«Сад иршоди Мулло Сидкий Хондайлиқий» («Мулло Сидкий Хондайлиқийнинг икки юз насихати») Шарқда кенг тарқалган панд-ўғитлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар кўринишидаги қайдлардан иборат.

1924 йил шоир «Ҳолоти Сидкий»ни ёзди. У шоирнинг ўша пайтгача бўлган таржимаи ҳолини, адабий фаолиятини ўз қалами билан ёритгани учун ишончли манба сифатида илмий, тарихий, маърифий жиҳатдан бениҳоя муҳимдир.

«Зарбулмасали Сидкий» 1932 йилда ёзилган бўлиб, 500 дан ортиқ мақол, матал ва халқ нақлларига қўйилган савол ва уларга тўғри, киноя ҳамда кесатик маъноларидаги изох ёки жавоблардан иборат.

Сидкий насрий асарларининг мавзу кўлами кенг ва ранг-барангдир. Юксак ахлоқ мезонлари ва илм-маърифатга даъват Сидкийнинг шеъриятидаги каби насрида ҳам ўзак ғоялардан ҳисобланади.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Муҳаббат мавзусидаги шеърлар шоир ижодида қандай ўрин тутати?
- 2.2. Сидкийнинг ҳажвий шеърларида қандай муаммолар кўтарилган?
- 2.3. Сидкий ижодида насрий асарлар қандай ўрин тутати?
- 2.4. «Зарбулмасали Сидкий»нинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида нималар дейиш мумкин?

Мавзу: Аваз Ўтар ўғли

№	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул	Изоҳ
1	2	3	4
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Аваз Ўтар ўғли лирикаси ҳақида тушунча бериш, шунингдек, ижодидан намуналар таҳлил қилиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Аваз Ўтар ўғлининг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлайди. 2. Шоирнинг лирикасига баҳо беради. 3. Шоирнинг маърифатпарварлик руҳидаги шеърларини таҳлил қилади. 	Ўқитувчи	
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар:</p> <p>Ёшлик йиллари ва илм таҳсили, шеърляти, анъанавий шеърлари, рубоийлари, китъалари, ижодида «Фалоний» туркуми, шеърларида эрқпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари</p> <p>Дарс шакли: маъруза.</p>	Ўқитувчи	

	Метод ва усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, ақлий ҳужум. Воситалар: компьютер, видеопроектор, тақдимот, ишланмалар.		
3-босқич	Гуруҳда ишлаш. Топшириқларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Мавзуга оид атама ва ифодалар изоҳланади.	Талаба	
4-босқич	Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар: 1. Авазнинг отаси, яъни Полвонниёз Ўтар Гадоиниёз ўғлининг адабиётга ва санъатга бўлган муносабати қандай эди? 2. Авазнинг илк ижоди қайси йиллардан бошланган? 3. Аваз Ўтар ижодининг илк даври ҳақида нима биласиз? 4. Шоир ижодида маърифатпарварлик руҳидаги асарларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида нима дейиш мумкин? 5. «Тил» ва «Мактаб» шеърларида қандай масалалар кўтарилган?	Ўқитувчи-Талаба	
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқарилади. Мақсад ва вазифаларнинг бажарилганлиги таҳлил қилинади, зарурий маслаҳатлар берилади, мустақил иш топшириқлари тарқатилади, хулосалар чиқарилади.	Ўқитувчи	

Мавзу режаси:

1. Аваз Ўтар ўғли лирикаси
2. Шоир ижодида эркпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларининг ифодаланиши

Мавзунинг асосий таянч тушунчалари

Ёшлик йиллари ва илм таҳсили, шеърляти, анъанавий шеърлари, рубоийлари, қитъалари, ижодида «Фалоний» туркуми, шеърларида эркпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари

Мавзуга оид муаммолар:

1. Аваз Ўтар ўғли ижодида сиёсий мавзудаги шеърларнинг юзага келиш омиллари нимада деб ўйлайсиз?
2. Нима сабабли шоир «ғайри тилни» ўрганиш тарғиботчисига айланди?

1 – асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Аваз Ўтар ўғли шеърляти тўғрисида тушунча бериш ва ижодидан намуналар таҳлил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўзлайди.
- 1.2. Шоир ижодининг тараққиёт босқичлари ҳақида гапириб, уларга изоҳ беради.
- 1.3. Шоир ижодидан намуналар таҳлил қилади.

1 – асосий масаланинг баёни:

Аваз Ўтар ўғли 1884 йил 15 августда Хива шаҳрида хунарманд оиласида туғилди. Авазнинг отаси Полвонниёз Ўтар Гадойниёз Ўғли бўлиб, у сартарошлик касби билан шуғулланар эди. Халқ ўртасида уста Ўтар номи билан шуҳрат қозонган бу киши санъат адабиёт ҳаваскори бўлиб, замонасининг илғор, илм - маърифатли кишилари билан яқин алоқада бўлган эди. Унинг уйида, кўпинча, Огаҳий, Комил Хоразмий, Мутриб, Хонаҳаробий, Баёний ва бошқа шоирлар иштирокида адабий мажлислар ўтказилар, кизгин ижодий суҳбатлар уюштирилар эди. Бу ўтиришларда, табиийки, ёш Аваз ҳам иштирок этган.

Аваз 8 ёшга киргач, Уста Ўтар уни ўқишга берди. Зийрак Аваз муваффақият билан ўқиди. У 11 ёшида бошланғич мактабни битириб, Хива мадрасаларидан бирига кирди. Авазнинг мадрасадаги ўқиши ҳам муваффақиятли ўтди. Унинг санъатга ва адабиётга қизиқиши зўр бўлиб, бу соҳаларни чуқур ўрганди.

Маълумотларга қараганда, Аваз Ўтар 14 ёшларидаёқ шеър ёзишга киришган, 18 ёшларида эса халқ ўртасида шоир сифатида танилган.

Шоир босиб ўтган ижодий йўлни куйидаги уч даврга ажратиш мумкин.

1. Аваз Ўтар ижодининг илк даври. Бу давр XIX асрнинг охириларида 1905-йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу вақтларда Аваз Ўтар ёш шоир сифатида изланиш, ўрганиш даврини бошдан кечирди.

2. Аваз Ўтарнинг 1905 йилдан 1914 йилгача бўлган даврдаги ижоди. Бу даврда Аваз Ўтар классик адабиётнинг энг яхши анъаналарини давом эттирувчи шоир сифатида камол топа бошлади.

3. Аваз Ўтарнинг 1914 йилдан умрининг охиригача бўлган давридаги ижоди. Бу даврда Аваз Ўтар ижодида маърифатпарварлик ва озодлик ғоялари илгари сурилади.

Аваз Ўтар ўғли шеърини мазмунан бой, шаклан ранг-барангдир. Аваз Ўтар шеърининг асосий мавзуси муҳаббатдир. Бу мавзу орқали шоир чуқур инсоний ҳис-туйғуларни тараннум этди. Муҳаббат, садоқат, самимият, вафодорлик каби инсоний фазилатларни куйлаш Аваз Ўтар шеърининг етакчи ғоявий асосини ташкил этади.

Аваз Ўтар шеъринида рубоий ва қитъалар алоҳида ўрин тутди. қитъа ва рубоийлар ишқий, ахлоқий, фалсафий мавзулардан ташқари ҳажвий йўналиш ҳам кўп учрайди.

Аваз Ўтарнинг фақат қитъа ва рубоийларидагина эмас, балки унинг лирик шеърларида – ғазалларида ҳам бундай сатиралар бор. Масалан, «Шайх, «Икки шайх» шеърлари дин аҳллариини фош қилишга қаратилган бўлиб, улар ҳажвий аҳамиятга моликдир. Лекин ҳажвий мавзу, айниқса, унинг қитъа ва рубоийларида кенг ишланган.

Аваз Ўтар шеъринида текинхўр, мунофиқ дин аҳллариини – риёкор шайхларни танқид қилиш катта ўрин тутди. Шунингдек, шоир жамият иллатларини ҳам изчиллик билан фош этади, халқ манфаати учун зарарли бўлган ҳодисаларни танқид қилади, меҳнаткашлар устидан зулм ўтказаётганларга лаънатлар ўқийди.

Ёмонларнинг, ёмони андоқ одамдур жаҳон ичра,
Йироқ ўлгуси то ўлгунча инсоф – диёнатдин.
Олиб мазлумлар молини юз минг зулму кин бирла,
қилур беҳонумон хавф этмайин явми қиёматдин.

Аваз Ўтар қитъалари ичида «Фалоний» сўзи билан бошланадиган ҳажвий туркум учрайди. Кўпинча, тўрт ва олти мисрадан иборат бўлган бу шеърий парчаларни шоир дин аҳларига, бойларга, амалдорларга ва бадфеъл одамларга бағишлайди. Масалан, бу туркумга кирган қитъаларнинг бирида Аваз Ўтар бойлар ва уларнинг феъл–атворини ҳажв остига олади.

Фалон бозилга бўлсун борча дошном узра дошном.
Ки фақир аҳлиға жавр айлаб, ғанийларга қилур инъом.
Танаъум аҳлиға неъмат қўюб, оч аҳлиға бермас.
Хуш эрди топса андоқ элни умри муддати итмом.

Муҳокама учун саволлар:

- 1.1. Авазнинг отаси, яъни Полвонниёз Ўтар Гадойниёз ўғлининг адабиётга ва санъатга бўлган муносабати қандай эди?
- 1.2. Авазнинг илк ижоди қайси йиллардан бошланган?
- 1.3. Аваз Ўтар ижодининг илк даври ҳақида нималар биласиз?

2–асосий масала бўйича дарснинг мақсади:

Шоир ижодида эркпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларининг пайдо бўлиши заминларини изоҳлайди ва шундай руҳдаги асарларини таҳлил қилади.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Аваз Ўтар ўғлининг маърифатпарварлик руҳидаги асарлари ҳақида гапиради.
- 2.2. Шоирнинг «Тил», «Мактаб» каби ғазалларини таҳлил қилади.
- 2.3. «Халқ», «Уламоларга хитоб», «Фидойи халқим» каби шеърларини шарҳлайди.

2–асосий масаланинг баёни:

1914 йилдан кейин рўй берган муҳим сиёсий ва тарихий ҳодисалар таъсири остида Аваз Ўтар ижодида халқпарварлик ғояларини куйлаш билан бирга, унинг ижодида янги маърифатпарварлик ва озодлик ғоялари ҳам пайдо бўлди. Бу жиҳатдан Аваз Ўтарнинг «Халқ», «Уламоларга хитоб», «Сипоҳийларга», «Тил», «Мактаб», «Фидойи халқим», «Ҳарб ваҳшийларига», «Топар экан қачон» каби асарлари ғоят муҳимдир.

Шоирнинг маърифатпарварлик руҳидаги шеърлари ичида «Тил» шеъри алоҳида хусусияти билан ажралиб туради. Аваз Ўтар «Тил» шеърида чет тилларини ўрганиш кераклиги тўғрисида ёшларга хитоб қилиб, тил ўрганинг, «тил фойдали кондир», у орқали илм хазинасига эга бўласиз, дейди.

Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек.

Аваз Ўтарнинг маърифатпарварлик ғоясини тарғиб қилувчи шеърларидан яна бири «Мактаб»дир. Ғазал шаклидаги етти байтли бу шеърда шоир мактабни илм-маданият манбаи сифатида улуғлайди:

Дилу жон бирла эл мактаб очарга ижтиход этсин,
Нединким бизни ғам қайдидин озод этгуси мактаб,
Аваз, ҳимматини қил олий очарга эмди мактаб ким,
Балои жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.

Аваз Ўтар 1914 йилдан кейин сиёсий мавзуда ажойиб шеърлар ёзди. Бу шеърлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлиб, уларнинг деярли ҳаммасининг ҳам ғоявий йўналиши ўткирдир.

«Уламоларга хитоб» ғазали олти байтдан иборат бўлиб, у 1917 йилда ёзилган. Шеър дин аҳлларига – уламоларга халқ номидан чиқарилган айбномадир.

«Халқ» ғазали 1917 йилда ёзилган етти байтли шеър бўлиб, у ўзининг ғоявий моҳияти жиҳатидан шоир сиёсий лирикасининг якунидир. Шеър халқ «зулм тиғи билан бағри пора - пора» бўлганлиги тўғрисидаги мисралар билан бошланади:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.

Шеър халқни уйғотишга чақириш билан тугайди. Аваз Ўтар агар замон кўзини очиб уйғонса, халқ зулмдан, хурликдан қутулади, деган хулоса чиқаради:

Кўзларин оҳиста – оҳиста агар очса замон.
Эй Аваз, бўлмас шунингдек бархо овора халқ.

Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Шоир ижодида маърифатпарварлик руҳидаги асарларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида нималар дейиш мумкин?
- 2.2. «Тил» ва «Мактаб» шеърларида қандай масалалар кўтарилган?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

1- амалий машғулот мавзуси: Муҳаммад Юсуф Баёний

Дарсининг мақсади: Баёнийнинг адабий мероси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва унинг шеърларида кўтарилган масалаларни изоҳлаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Баёнийнинг лирик ғазалларини таҳлил қилади.
- 1.2. Навоий, Огаҳий, Фузулий, Мунис каби шоирлар анъаналарининг Баёний томонидан давом эттирилишини изоҳлайди.

- 1.3. «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида Хоразм адабий муҳитига оид қандай янги маълумотлар мавжудлигини аниқлайди.

Керакли жиҳозлар: Баёнийнинг нашр қилинган китоблари, шоир ижоди хусусидаги илмий-маърифий манбалар

Ишни бажариш тартиби:

1. Баёний вояга етган оила ва у яшаган ижтимоий муҳитга баҳо беринг.
2. Баёний ва Муҳаммад Раҳимхон II орасидаги ўзаро муносабатни изоҳланг.
3. Баёнийнинг иждий меросини ўрганинг.
4. Шоир шеъриятини босқичларга бўлиб таҳлил қилинг.
5. «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида қайси давр воқеалари изчил ёритилганлигини аниқланг.
6. «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида Хоразм адабий муҳитига оид қандай маълумотлар ифодаланганлигини текширинг.
7. Баёний таржима қилган асарларга изоҳ беринг.

Керакли адабиётлар:

1. Н.Жумахўжа, И.Адилова. «Сўздан бақолироқ ёдгор йўқдур...». Тошкент, 1994 йил.
2. Баёний. ғазаллар. Тошкент, 1962 йил.
3. Баёний. «Шажарайи Хоразмшоҳий». Тошкент, 1991 йил.
4. Қ.Муниров. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Тошкент, 1978 йил.
5. И.Адилова. Эл дардини куйлаган шеърият. Тошкент, 1988 йил.
6. Ю.Юсупов. Хоразм шоирлари. Тошкент, 1967 йил.
7. Б.Қосимов ва бошқ.. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 2004.

2-амалий машғулот мавзуси: Исҳоқхон Ибрат

Дарснинг мақсади: Ибратнинг ижодий мероси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ибрат лирикасини таҳлил қилади.
- 1.2. Ибратнинг тарихшунослик фаолиятига баҳо беради.
- 1.3. Ибратнинг илк ўзбек матбаачиларидан бири сифатидаги фаолиятини изоҳлайди.

Керакли жиҳозлар: Ибратнинг нашр қилинган китоблари, «Тарихи Фарғона» асари

Ишни бажариш тартиби:

1. Ибрат вояга етган оила ва у яшаётган ижтимоий муҳит ҳақида маълумот беринг.
2. Ибратнинг ижодий меросини батафсил ўрганинг.

3. Шоирнинг лирик меросини таҳлил қилинг.
4. Ибратнинг тарихшунослик йўналишидаги фаолиятига тавсиф беринг.
5. Ибратнинг публицистик ва илмий фаолиятига баҳо беринг.

Керакли адабиётлар:

1. Б.Қосимов. Миллий уйғониш. Тошкент, 2003 йил.
2. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. Тошкент, 1991 йил.
3. Ибрат. Танланган асарлар. Тошкент, 1999 йил.

3-амалий машғулот мавзуси: Комил лирикаси

Дарснинг мақсади: Комил лирикаси, ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги шеърларини таҳлил қилади.
- 1.2. Комилнинг янгича маърифатпарварлик йўналишидаги ижодига баҳо беради.

Керакли жихозлар: Комилнинг шеърӣ тўплами, ижоди хусусидаги илмий-маърифий манбалар

Ишни бажариш тартиби:

